

Сўфийликнинг нақшбандия тариқати Марказий Осиё заминида вужудга келиб, асрлар давомида ўлкамиз ҳамда бир қатор яқин ва олис мамлакатлар маънавий ҳаётига жуда катта ижобий таъсир кўрсатган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида яшаган пиру муришид Хожя Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ушбу тариқатнинг мамлакат миқёсида ёйилишига сабабчи бўлган. Замонасида тинчлик ва осойишталикни барқарор қилиш, халқ ҳаётини имкон қадар энгиллаштириш учун катта сайъ-ҳаракат сарфлаган, муқаддас Ислом динимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Хожя Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги қарори асосида белгиланган тадбирлар доирасида 2004 йил декабрининг 17 — 18- кунлари Самарқанд шаҳрида “Хожя Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” мавзуда илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга тақдим этилган маърузаларнинг тезислари ўттиздан ошиқ бўлиб (улар алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди), муаллифлар орасида тасаввуф ҳақида узоқ йиллардан бери изланишлар олиб бораётган таниқли мутахассислар билан бир қаторда илм йўлига энди қадам қўяётган ёш тадқиқотчилар ҳам бор.

“Ҳидоят”нинг ушбу сони Хожя Аҳрор Валий ҳазратларига бағишланди.

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

УЛУФ АЛЛОМАНИНГ БОЙ МЕРОСИ



Ҳазрати Хожя Убайдуллоҳ Валий Марказий Осиё халқларининг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий тараққиётида муҳим ўрин тутган шахсдир.

Алломанинг шогирди Муҳаммад Қози ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, Хожя Аҳрор Хо-

жа Маҳмуднинг ўғлидир. Хожя Маҳмуд эса Хожя Шаҳобуддиннинг ўғли бўлиб, у уч ё тўрт авлод орқали Хожя Номийга бориб боғланади. Асли бағдодлик Хожя Муҳаммад Номий “Ҳазрати Имом” номи билан машҳур бўлган шошлик аллома Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг муриди эди. У Ҳазрати Имомнинг таклифи билан Шошга келиб, бу ерда турғун яшаб қолган.

Хожамизнинг оналари Шайх Хованди Тохурнинг ўғли Шайх Довуднинг қизи бўлган.

Хожя Аҳрор Валий салкам 90 йиллик умри давомида хайрли ишлари билан бирга баракали ижод ҳам қилган. Унинг қаламига мансуб

бўлган баъзи бир асарлар бизгача етиб келган. “Фақаротул-орифин” асарида тасаввуф намоёндаларининг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирган. “Волидия” деб номланган рисола аллома ўз отаси илтимосига биноан ёзган. Унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби ҳақида фикр юритилади.

Алломанинг замондошларига ёзган кўплаб номлари ҳам бизгача етиб келган. Уларда муаллифнинг ўша давр ижтимоий, маънавий, маърифий ҳаётида тутган ўрни аксини топган.

Буюк алломанинг бизга қолдирган бой илмий мероси, ҳаёт тарзи, юксак ахлоқи ва хайрли амаллари ҳаммамиз учун ибратлидир. “Муриши офоқ” деган юксак ном билан ўз даврида ҳақли равишда эъзозланган бузругвор шайхимиз Хожя Аҳрор Валий ҳазратлари ҳозирда нафақат диёримизда, балки бутун Ислом оламида-

ги милёнлаб мусулмонларнинг эъзозида, онгида ва қалбида беш асрдан буён яшаб келмоқда.

Бизнинг бугунги кундаги вазифамиз, алломага янада улкан эҳтиром кўрсатиш, руҳи пок кини тилолату дуолар билан шод этиш, ул зотнинг номларига муносиб хайрли ишларни давом эттиришдан иборатдир.

**Дунёнинг роҳати уч нарсадир:
Ҳақ таоло тоати, Қуръони карим
тиловати ва биродарлар зиёрати.**

Хожя Аҳрор Валий

МУНДАРИЖА

<i>Анжуман</i>	
Абдурашид қори БАҲРОМОВ	
Улуғ алломанинг бой мероси	1
<i>Анжуман</i>	
Зухриддин ҲУСНИДДИНОВ	
Диний бағрикенгликнинг буюк намунаси	4
Убайдулла УВАТОВ	
Муҳим манба	7
<i>Мактубларда манзаралар</i>	
Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ	
Ҳақиқий дунё саодати	10
Азамат ЗАРИФ	
Хурсандчилик улашинг.....	10
Абдуллоҳ ЗОИР	
Тавфиқ Аллохдандир	11
<i>Анжуман</i>	
Нодирбек ҲАСАН	
Ҳазиний Хожа Аҳрор Валий ҳақида	14
Садри САЪДИЕВ	
Тариқатда ўзгариш ясаган муршид	15
Замира ИСОҚОВА	
Дунёни кутқариш учун	15
<i>Анжуман</i>	
Ашурбек МҶМИНОВ	
Хожа Аҳрор Валий ва Шош маънавий муҳити ..	18
Омонулла БҶРИЕВ	
XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросон.....	19
<i>Анжуман</i>	
Маҳмуд ҲАСАНИЙ	
Хожа Аҳрор Валий асарлари ҳақида.....	20
Мавжуда РАЗЗОҚОВА	
Хожа Аҳрорнинг устози Яъқуб Чархий	21
<i>Шеърят</i>	
Абдуллоҳ ҳожи АБДУЛҚОДИР	
Ҳақдан инсоф тилайлик	24
<i>Салафларимиз</i>	
Имом Абу Юсуф	25
<i>Анжуман</i>	
Асомидин ҶРИНБОЕВ, Фулом КАРИМОВ	
Хожа Аҳрор Валий мактублари	26
Баҳриддин УМРЗОҚ	
Хожа Аҳрор Валий авлодлари	27
<i>Қуръон ва биз</i>	
Аҳмад ТУРСУН	
Қорилар ватанида ўн уч кун	28
<i>Болалар саҳифаси</i>	
Кичкина Умарнинг ҳикоялари	30
<i>Ибратли ҳикоялар</i>	
Фозил ЗОҲИД	
Бир сават мева	32
<i>Ахлоқ</i>	
Ухлаш одоби	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Анжуман
Ботурхон ВАЛИХҶАЕВ

6

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВА ТЕМУРИЙЛАР

“Турли воқеалар Сизни (Алишер Навоийни) ранжитгани сабабли Сизда баъзан ул ҳазрат (подшоҳ Хусайн Бойқаро) хизматидан бе-зиш кайфияти сезиларкан, деб эшитамиз. Ил-тимосимиз шуки, мусулмонларга мадад етказишни ўйлаб, ул ҳазратдан узоқлашиш фикри-ни хотирингизга келтирмасангиз, токи Сизнинг кўмагингизда бир фақирнинг хотири қайғудан нажот топиб, унинг кўнглида хурсандчилик пайдо бўлар, деган умиддамиз. Мусулмонлар манфаатини кўзлаш энг олижаноб фаолиятдир. Вассалом. Ал-фақир Убайдуллоҳ”.

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Исломий нашрларга эътибор



Русия журналистлар уюшмаси қошидаги этник муаммолар маркази бошлиғи Сулиста Кусова: “Ҳозирги босқичда нафақат Русия, балки бутун дунёда Ислом динига қизиқиш кучаймоқ-да. Русиянинг бўлиниб кетиш хавфи юқори бўлиб турган бир пайтда исломий ОАВнинг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли қандай қилиб бўлмасин исломий ОАВни қўллаган ҳолда мусулмонларга кўпроқ имконият бериш лозим”, деди.

Анжуман
Комилхон КАТТАЕВ

12

БИР ТАРИХИЙ ХАТО ВА УНИНГ ҲАҚИҚАТИ

1449 йилнинг 25 ўктябрида ҳаж сафарига отланган Улуғбекнинг бошини Аббос исмли саркарда танасидан жудо этади. Албатта, Абдуллатиф ҳукмдор сифатида бунинг олдини олиши мумкин эди. Унинг бу жирканч ишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Хожа Аҳрор Валий эса бу воқеадан бир йил кейин, 1450 йили Самарқандга келганлар.

Дурдона
Мавлоно Жалолiddин РУМИЙ

16

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнги,
Кўз бўлурму Ҳақни кўрмас бўлса ул?*

Ҳидоят топганлар
Имон Валерия ПОРОХОВА

22

ҲАММА ГАП ҚАНДАЙ БАНДАЛИК ҚИЛИШДА

Қуръон маъноларини англаш йўлида туну кун қилган тинимсиз меҳнатим жараёнида Ислом моҳиятини чуқур тушуниб етдим, унинг ўғитларига менда муҳаббат пайдо бўлди ва Исломнинг чинакам тарғиботчисига айландим.

Аёлларга хос масалалар

29

ТИРНОҚЛАРНИ БЎЯШ МУМКИНМИ?

Таҳорат комил бўлиши учун ювиладиган аъзоларнинг ҳамма жойига сув етиши керак. Ювилиши лозим аъзоларда сув етишига тўсиқ бўладиган лаб бўёғи, тирноқ бўёғи, ёғ, сақич каби нарсалар бўлса, таҳорат ҳисоб бўлмайди (*"Fetava-i Hindiyye"*: 1/84; *"Nimet-i Islam"*: 45).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек ОБИДЖОН
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад ТУРСУН
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани
Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Райҳона ХОЛБЕК қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 5 январда рухсат берилди. Босмахонага 2004 йил 10 январда топширилди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7000 нусха. 368-сон буюртма. «КОНИ NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

*Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.*

Бизнинг қонимизга, суяк-суякларимизга сингиб борган буюк аجدодларимиз, авлиё-мутафаккирларимиз, фозилу уламоларимиз насиҳатлари, ўғитлари, улўф мерослари бизга куч-қувват ва эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Ислом КАРИМОВ

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ БУЮК НАМУНАСИ

Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва тараққиётида диний бағрикенглик чуқур тарихий илдизларга эгадир. Хусусан, Ўзбекистон қадим асрлардан маданияти, тили, урф-одати ва турмуш тарзи турлича бўлган, бошқа-бошқа динларга эътиқод қилувчи ва ҳар хил халқлар ва миллатларнинг ватанидир. Ўзбекистоннинг жуғрофий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига таъсир кўрсатган ва, ўз навбатида, бизнинг маданиятимиз ҳам уларга таъсир ўтказган, ўзига хос ижтимоий турмуш тарзини шакллантиришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу табаррук заминимизда нафақат Ислом олами, балки бутун дунё инсоният маънавияти ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк уламо-фузалолар, тасаввуф пешволари яшаб ўтган. Ана шундайотлардан бири Хожа Аҳрор Валийдир. Ўзининг ибратли ҳаёти, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти, бебаҳо ирфоний мероси билан юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган бу зот таваллудининг 600 йиллик тўйи юртимизда кенг нишонланди.

Мустақиллик даврида диний қадриятларни тиклаш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи гоёларини ватандошларимиз, айниқса, келажак авлод қалби ва онгига синдириш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда унумли фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунга қатор мисоллар кел-

тириш мумкин. Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абдулолиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломаларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилгани, улар қолдирган бебаҳо мерос халқимиз маънавий-руҳий дунёсининг узвий қисмига айланиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Маълумки, истибод йилларида Хожа Аҳрор Валий сингари инсонларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганиш, улар қолдирган бой меросдан баҳраманд бўлиш, табаррук номларини тилга олиш, эслаш амримаҳол эди.

Мана, неча асрларки, “шайхлар шайхи” Хожа Аҳрор Валийнинг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқийс инсоний фазилатлари, маслак-эътиқоди ва эзгу амаллари, беназир фазилат-хислатлари эллар, юртлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ер курасининг турли нуқталарида низо ва адоватлар ўчоғига чўғ қадашга, диний омилни сиёсийлаштиришга уринишлар бўлаётган ҳозирги жараёнда улўф бобомизнинг тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришга қаратилган куйидаги эзгу даъватлари катта аҳамият касб этмоқда: “Сўфийнинг мақсади нафақат ўзини, балки бутун дунёни кутқаришдир. Бунинг учун эса, у борлиқ билан фаол муносабатда бўлиши керак”.

Бу улўф зот бутун ҳаёти давомида халқни бирлаштириш, турли сиёсий келишмовчиликларнинг олдини олиш, дўстлик, биродарлик ва бағрикенг-



ликка даъват ҳамда юрт тинчлиги йўлида бор куч-гайратини сарфлагани тарихдан маълум. 1458 йили учта подшоҳ — Султон Аҳмад Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Султон Маҳмуд Шохруҳияда катта жангга киришмоқчи бўлган пайтда у кишининг саъй-ҳаракати натижасида ўртада тинчлик сулҳи тузилиб, муқаррар бўлган қон тўкилишининг олди олинган эди. Бу воқеа Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг “Дўст жафо бирла душман бўлур, душман эҳсон ва мурувват бирла дўст бўлур. Агар душманингни эҳсон бирла дўст қилолмасанг, ёмон феъллар бирла дўстни душман қилма”,¹ деган ғояларининг ўзига хос ҳаётий-амалий ифодаси десак айни ҳақиқат бўлади.

Хожа Аҳрор Валий ҳаётининг ибратли жиҳатларидан яна бири — у ўз фаолияти билан динийлик ва дунёвийликни бир маромда олиб бориш муҳимлигини кўрсатиб берди: “Зухд мол йўқлиги бирла эмас, балки кўнгилда ёлғиз Аллоҳни туттишда. Дунёни севгучи дарвиш, агарчи ниҳоятда фақир бўлса-да, зоҳид эмас. Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломни шунча мулк подшоҳлиғ бирла зухд эгаси дерлар”.²

Боболардан мерос қолган миллий қадриятларимиз орасида қай бир миллат ёки дин вакили бўлмасин, унинг қадр-қимматини жойига қўйиш, иззат-нафсига тегмаслик, катталарни ҳурмат қилиш каби маънавий хусусиятлар алоҳида аҳамият касб этади. Хожа Аҳрор Валийнинг қуйидаги сўзларида ҳам мазкур диний бағрикенгликнинг буюк намунасини кўриш мумкин: “Тасаввуф улдурки, ҳар нарсаки, бошингда бўлса қўйсанг ва ҳар бир нимаики қўлингга бўлса, берсанг. Мардлик улдурки, ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил. Ва ҳар ким сандин узулса, ёпушғил. Ҳар ким сани ноумид қилса, анга эҳсон қил!”³

Пири комил бутун ҳаёти давомида одамларни имон-этиқодга, ҳар доим фаол бўлишга даъват қилган. Мана шу хусусда “Рашаҳот”да авлодларга қилган панд-насихатларидан қуйидагиларни ўқиймиз: “Кўча-кўйда бўлса ҳам бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Халқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлингизни англайсиз. қисқа вақт ичида бирор касб ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек яхши қиёфангиз пайдо бўлади”.

Ҳаётини маърифатга, инсоний комилликка интилишга ва халқ хизматида бахшида этган ҳамда бор илм ва имкониятларини эл-юрт тўкинлиги учун сафарбар қилган бу улуғ зотнинг ҳурматини бажо келтириш, унга муносиб ворис бўлиб яшаш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Хайрли анъанага айланган, деярли ҳар йили нишонланаётган бундай тантаналарга алоҳида эътибор қаратилишининг чуқур моҳиятини Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича ифодалаган эдилар:

“Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечирishi учун беқиёс аҳамиятга эгадир. Бизнинг ўзлгимизни англаш, асрий обидаларимизни, табаррук қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу руҳ, эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишни ўринли деб биламан”.⁴

Шу маънода кўҳна Самарқандда бўлиб ўтган “Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” мавзудаги илмий-амалий анжуман алломанинг ҳаёти, бой маънавий мероси, юксак эзгулик ғояларини халқимиз, айниқса, ёшларда диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришда яна бир муҳим қадам бўлади, деб ўйлаймиз. У зотнинг ўз халқи олдидаги хизматлари олти асрлик тарихимиз ва умумбашарият учун қанчалар ардоқли бўлса, бугунги кунимизда, ёшларимизни миллий-маънавий ва диний қадриятлар билан бирга дунёвий билимлар асосида тарбиялашда ўзининг аҳамияти билан янада қадрлидир.

Буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, ундан кўпмиллатли ҳамда турли эътиқоддаги фуқароларимизни баҳраманд қилишда юртимизда амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар орасидаги дўстлик, биродарлик, бағрикенглик ҳислатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид этамиз.

Зухриддин ҲУСНИДДИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

¹ “Жавомийул-калим”. Хожа Аҳрор Валийнинг форсча “Лавомийул-анвор” асарининг Юсуф Муҳаммад ибн Юсуф табиб томонидан қилинган таржимаси. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, тошбосма рақами — 441, 78-б.

² Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. “Табаррук рисоалар”. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний ва бошқалар. — Т.: “Адолат”, 2004 йил, 327-б.

³ Ўша асар, 330-бет.

⁴ Ислом Каримов. “Буюк алломага эҳтиром”, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимда сўзланган нутқ, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газити, 2003 йил, 28 нўябр.

Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
академик, Самарқанд Давлат университети

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВА ТЕМУРИЙЛАР

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий соҳибқирон Амир Темури ҳаётининг охирларида дунёга келдилар, темурийлардан Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абусаид мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Ҳусайн Бойқаролар даврида яшадилар. Кўпқиррали ҳайратомуз фаолият кўрсатиб, Алишер Навоий таъбири билан айтсак, замонасининг “муршиди офоқи”, “жаҳон мулки ниғаҳбони”, “барча салотин уза султон” мартабасига эришганлар.

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор темурий султонларнинг тинч-осойишта, баҳамжихат яшашлари, низо, келишмовчилик ва хунрезликлар олдини олиш, тижорат аҳли, деҳқонлар, хунармандларга ҳаддан ташқари солиқларни камайтириш, шариат қонунларига қатъий риоя қилинишига эришиш учун астойдил курашдилар.

Хожа Аҳрор Валийнинг: “Бу замонда подшоҳларнинг ҳузурига бориб, мазлумлар (зулм кўрганлар) ва ҳожатмандлар (муҳтожлар)нинг мушқулини осон қилишдан кўра яхши хислат бўлмас. Шунга эришиш лозимки, ҳар бир мазлумнинг арзини султонларга етказиб, унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ҳамда зулмни бартараф қилиш учун барча куч ва ғайратни аямаслик керак”, деганлари бежиз эмас. Бева-бечора, фақир бенаволар ғамини, мушқулини енгиллаштириш, адолат тантанаси учун яшаш керак, деган ғоя ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг Алишер Навоийга ёзган мактублари мағзини ташкил этади.

“Турли воқеалар Сизни (Алишер Навоийни) ранжитгани сабабли Сизда баъзан ул ҳазрат (подшоҳ Ҳусайн Бойқаро) хизматидан бешиш кайфияти сезиларкан, деб эшитамиз. Илтимосимиз

шуки, мусулмонларга мадад етказишни ўйлаб, ул ҳазратдан узоқлашиш фикрини хотирингизга келтирмасангиз, токи Сизнинг кўмагингизда бир фақирнинг хоотири қайғудан нажот топиб, унинг кўнглида хурсандчилик пайдо бўлар, деган умиддамиз. Шунинг билан бирга, нотинч замонда унинг кўнгли очилади ва кайфияти кўтарилиб, шу муносабат билан Аллоҳ таолога бўлган эътиқоди ҳам кўпаяди. Мусулмонлар манфаатини кўзлаш энг олижаноб фаолиятдир. Вассалом. Ал-фақир Убайдуллоҳ”.

Темурийзода Абусаид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзо ўзининг салтанати даврида ҳазрат Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий маслаҳат ва қўллаб-қувватлашларига сазовор бўлганидан мамлакатни анча самарали бошқарди. Бу ҳақда Султон Аҳмад мирзонинг укаси Умаршайх мирзонинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома”сида шундай ёзган эди:

“Самақанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият (тинч-осойишта) ва фароғат (хотиржам) жиҳатидин адл ва шаръ (шариат қонуни) тариқи била эди”.

Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг асосчиси темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI аср бошидаёқ ҳазрат Хожа Аҳрор Валийга бўлган буюк муҳаббатидан бу зотнинг “Волидия” асарини ўзбек тилига шеърий таржима қилиб, туркийгўйларни ҳам ундан баҳраманд этган эди.

Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий олижаноб, камтар, хушмуомала, мурувватли, ғамхўр инсон бўлиб, адолатсизлик ва қонунбузарликларга ниҳоятда қатъий қарши турар эдилар.

Манбалар

1. Муҳаммад Қози. “Силсилату-л-орифийн ва тазкирату-с-сиддиқийн”, Ўз.Р. ФА шарқшунослик институти қўлёмалар фонди, рақами 11413.
2. Ботурхон Валихўжаев. “Хожа Аҳрор Валий”, “Зарафшон”, Самарқанд. 1993.
3. Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”.
4. Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу алиИбн Сино», 2004.



Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори, Тошкент Ислам университети

МУҲИМ МАНБА



Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақидаги қимматли маълумотлар унинг замондошлари ёзган бирталай асарлардан топилади. Шундай асарлардан бири Хўжа Аҳрор Валийнинг садқатли муриди ва куёви Мир Абдул Аввал Нишопурий (в. 1500 йил) қаламига мансуб “Масмуъот” (“Эшитилган фикрлар”) бўлиб, унда тасаввуф назарияси ва амалиётининг муҳим масалалари оммабоп шаклда муфассал ёритилган. Ўзбекистонда бу асарнинг учта қўлёзма нусхаси мавжуд.

Хожа ҳазратлари ҳаётдан сўзловчи иккинчи манба Мавлоно Муҳаммад Қозининг (в. 1515) “Силсилат ул-орифин ва тазкират ас-сиддиқийн” (“Орифлар силсиласи ва ҳақгўйлар ёдномаси”) асари бўлиб, у муқаддима, уч боб ва хулоса қисмдан иборатдир. Мамлакатимизнинг қўлёзма хазиналарида бу асарнинг икки нусхаси сақланяпти. Хожа Аҳрор Валийнинг кичик замондоши Фахруддин Али Сафийнинг (1463 — 1532) “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан томчилар”) номли асари, айниқса, унинг учинчи қисми XIV — XV асрларда Ўрта Осиёнинг сиёсий-ижтимоий ҳамда маънавий ҳолатини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки асарда бир юз йигирмадан ортиқ олимлар, шайху машойихлар, давлат арбобларининг ҳаёти ва сўфийлик мақомотида тутган ўринлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Айни чоқда, юртимизнинг қатор шаҳар ва қишлоқларига доир муҳим баёнотлар ҳам аксини топган. Энг асосийси — “Рашаҳот”да том маънода буюк инсон Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Диққатга сазовор томони шундаки, манбаларда ёзилишича, муаллиф Али Сафий умрининг аксар қисмини Ҳиротда ўтказганига қарамай, Хожа Аҳрор Валий билан бир неча марта учрашади. Жумладан, улар 1484 йили Қаршида учрашганлари маълум. Сўнгра бир йилча Самарқандда, Хожа Аҳрор Валийнинг ёнида бўлади. Кейинча-

лик Хожа Аҳрор Валий вафотидан 13 йил ўтгач, яъни, 1503 йили “Рашаҳот”ни ёзиб тугатади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу асар Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги энг мукамал асар сифатида азалдан қадрланиб келяпти.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида асарнинг элликдан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Асарнинг араб, турк ва ўзбек тилларига таржималари ҳам маълум. Кейинги замонларда бир неча марта чоп ҳам этилган. Жумладан, 1890, 1897, 1906 йиллари Ҳиндистонда, 1911 йили Тошкентда чоп этилган. Асарнинг араб тилига таржима қилинган нусхаси 1852, 1889 йиллари, усмонли турк тилига таржимаси 1888 йили нашрдан чиқарилган. Бундан роппа-роса 125 йил муқаддам, яъни, 1879 йили “Рашаҳот” Хоразмда Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган эди. Мана шу таржима қўлёзма-сининг ягона нусхаси Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. 2003 йили шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоқ Домла Худойберган амалга оширган эски ўзбек тилидаги таржимани кирилл алифбосига табдил қилиб, уни сўнгсўз ва керакли луғатлар билан таъминлаб, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида чоп этиришди.

Мавриди келганида айтиш керакки, бу асар том маънода ҳаётбахш булоқ (чашма)ни эслатади. Унда Ислам илми ва шариат, айниқса, сўфийлик мақомидаги гоят теран, нозик

файланиш берилган. Унинг ҳар бир сатрида исломий руҳ мужассамдир. Асар кўплаб пурмаъно ҳикоятлар, хосиятли панду насихатлар ва маслаҳатларни қамраб олган. Хожа Аҳрор Валий бутун ҳаётлари давомида одамларни имон-эътиқодга, ҳар доим фаол бўлишга даъват қилганлар. Мана, “Рашаҳот”да келган бир насихатлари: “Кўча-куйда бўлса ҳам, бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Халқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлингизни англайсиз. Қисқа вақт ичида бирор касб-кор ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек яхши қиёфангиз пайдо бўлади”.

Манбалар:

1. Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.
2. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”.
3. Ҳофиз Таниш Бухорий. “Абдуллонома”, Т., “Фан”, 1966.
4. Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”.
5. Абдураҳмон Жомий. “Нафаҳотул-унс”.
6. Абдураззоқ Самарқандий. “Маглабус-саъдайн”, Т., “Фан”. 1969.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ҳажга борувчилар кўнаймоқда

Тотористон мусулмонлари диний бошқармасининг “Идил ҳаж” департаменти ҳаж ибодатини адо этиш истагини билдирган мусулмонлар сони бу йил икки баробар ортганини маълум қилди. Тўрт юздан ортиқ киши Макка ва Мадинага бориб ҳаж қилиш мақсадида ҳужжатлар расмийлаштириш учун “Идил ҳаж”га мурожаат этган.

Агентлик вакили хабар беришича, учоқ ва автобусларда ҳам ҳажга бориш таклиф этилгач, ҳожилар сони ортиб кетган. Ҳожилар аввал Бирлашган Араб Амирлиги пойтахтида бўлишади, сўнг ўттиз олти соатлик йўлни босиб, Саудиянинг Жидда бандаргоҳига келишади. Бу йўналиш нархи 40 минг рублни ташкил этади.

www.islam.ru

Тотувликка интилиш



Олмония ҳукумати мусулмонларнинг немис жамиятига киришиб кетишларини таъминлаш бўйича янги режасини таклиф қилди. Интегратса вазири,

яшиллар партияси аъзоси Мари Луиза Бекнинг билдиришича, Олмония таълим марказларида ташкиллаштирилган махсус ўқув курсларида имомлар олмон тилини ва ўзлари истиқомат қилаётган мамлакат маданиятини ўрганишади.

“Мусулмон диний раҳбарлар турли жамиятлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйишлари лозим”, дея таъкидлади у. Шу билан бирга, у Ислом ҳақида салбий фикрларни ёйиб, мусулмон жамоалари ўртасида мурасазликлар келтириб чиқарадиган ҳамда дўстона қўшничилик алоқаларига путур етказадиган “қаттиқроқ ушлаш” сиёсати тарафдорларини ҳам огоҳлантириб қўйди.

Ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ол-

монияда Исломга, мусулмонларга хайрхоҳлик ҳозирги кунда жуда яхши. Мамлакатда 3,4 милёнга яқин мусулмон яшайди. Улардан икки юз йигирма минг нафари Берлинда истиқомат қилади. Мамлакатнинг собиқ президенти Йоханнес Рау олмон мусулмонларига нисбатан “иккинчи даражали” фуқаролардек муомала қилмаслик ҳақида бир неча марта баёнот берган эди.

Islam Online

Либияда анжуман

Либия пойтахти Тараблусда Умумжаҳон исломий даъват ташкилоти (WICS)нинг еттинчи йиғини бўлиб ўтди. Йиғинда 120 мамлакатдан муфтийлар, уламолар, тасаввуф шайхлари ҳамда исломий уюшма ва ташкилот раҳбарларидан беш юз киши қатнашди.

Йиғин қарорида Ислом даъватини амалга оширишда интернетнинг аҳамиятига, яқинда мусулмон бўлганларга Қуръони карим ва араб тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қатнашчилар тасаввуф кадриялари муҳокама-сига алоҳида урғу беришди. Бу борада 2005 йили Сенегалда сўфийлар анжуманини ўтказиш таклиф этилди. Шунингдек, мусулмон аёлларга, хусусан, Африқода яшайдиган мусулмонлар ҳаётига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Иштирокчилар диний ташкилотлар ва ҳукуматларни турмуш шароитининг оғирлашуви, агрофмуҳит ҳолатининг ёмонлашуви, оилаларнинг бузилишига қарши ҳамкорликда курашишга чақирдилар.

Islam Online

Исломий нашрларга эътибор

Масковда ўтказилган оммавий ахборот воситалари халқаро миллий академиясининг таъсис йиғилишида исломий нашриётлар, жумладан, “Ислом. Ру” сайтининг аҳамияти ҳамда мусулмон журналистлар уюшмаси фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтилди. “Бу уриниш оммавий ахборот воситаларида мусулмонлар учун фаолият майдони ташкил қилишдан иборат”, дея маълум қилди



академия таъсисчиларидан бири, Русия журналистлар уюшмаси қошидаги этник муаммолар маркази бошлиги Сулиста Кусова.

“Ҳозирги босқичда нафақат Русия, балки бутун дунёда Ислом динига қизиқиш кучаймоқда, — деди у. Яна сўзида давом этиб: — Русиянинг бўлиниб кетиш хавфи юқори бўлиб турган бир пайтда исломий ОАВнинг аҳамияти жуда катта, — дея таъкидлаб ўтди. Унинг фикрича, мусулмонлар бу муаммонинг олдини олишда фаол иштирок этишмоқда. Шу сабабли қандай қилиб бўлмасин исломий ОАВни қўллаган ҳолда мусулмонларга кўпроқ имконият бериш лозим”.

Таъсис йиғилишида турли минтақалар нашрларининг муҳаррирлари, журналистлар, сиёсатшунос ва жамоат арбоблари қатнашишди. “Бу иш асосан ўристилди аҳоли яшайдиган минтақалардаги ОАВ вакиллари амалга ошираётган энг муҳим ишдир. Бу ташаббус Русия оммавий ахборот воситалари тизимидаги бўшлиқни тўлдиради, — деди Кусова. — Афсуски, Масков оммавий ахборот воситалари ҳозирда кўпроқ олдиқочди жинойий ишларни ёритиш билан банд, уларни халқнинг, мамлакатдаги турли элатларнинг ҳаёти, маданияти қизиқтирмайди. Русиянинг тўлақонли фуқаролари сифатида биз ҳақимизда ҳам ёзишларини хоҳлаймиз. Бундай муассасининг таъсис этилиши миллий кадриятларни тиклаш йўлидаги бир интилишдир”.

Таъсис йиғилишида турли минтақалар нашрларининг муҳаррирлари, журналистлар, сиёсатшунос ва жамоат арбоблари қатнашишди. “Бу иш асосан ўристилди аҳоли яшайдиган минтақалардаги ОАВ вакиллари амалга ошираётган энг муҳим ишдир. Бу ташаббус Русия оммавий ахборот воситалари тизимидаги бўшлиқни тўлдиради, — деди Кусова. — Афсуски, Масков оммавий ахборот воситалари ҳозирда кўпроқ олдиқочди жинойий ишларни ёритиш билан банд, уларни халқнинг, мамлакатдаги турли элатларнинг ҳаёти, маданияти қизиқтирмайди. Русиянинг тўлақонли фуқаролари сифатида биз ҳақимизда ҳам ёзишларини хоҳлаймиз. Бундай муассасининг таъсис этилиши миллий кадриятларни тиклаш йўлидаги бир интилишдир”.

www.islam.ru

Журналнинг битта сони тақиқланди



Покистон ҳукумати Қуръони каримни ва Ислом динимизни таҳқирловчи мақола чоп этгани учун “Newsweek” журналининг нўябр ойи охиридаги сонини мамлакатда тарқатишни тақиқлаб қўйди. Бу қарорга биноан журналнинг ушбу сонининг ҳали сотиб улгурилмаган барча нусхалари йўқ қилиниши лозим.

Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига дини-

мизга тўхмат ва бошқа ғаразли гоёларни ифода-

ловчи филмни суратга олгани учун қатл этилган холландалик режиссёр Тео Ван Гог ҳақидаги мақола сабаб бўлди. Покистон ахборот вазири Аниса Зеб Тоҳиркели журналистларга берган баёнотида: “Покистон ҳукумати сўз эркинлигини кафолатлайди. Аммо бунда эътиқодлар ҳақорат қилинмаслиги шарт”, дея таъкидлади.

РИА

Дўконлар кўчириладиган бўлди

Нижний Новгород шаҳри ва вилояти мусулмонлари диний бошқармаси раиси Умар Идрисов вилоят матлубот жамиятлари кенгаши бошқаруви раиси, вилоят қонун чиқариш кенгаши депутати И. Пирков билан учрашиб, матлубот жамиятлари таркибидаги ароқ-вино маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконларни бир қатор туманларда ишлаб турган масжидлардан узоқроққа кўчириш масаласини қўйди. Гап советлар пайтида ёпиб қўйилган ва кейинчалик очилган масжидлар ҳудудидаги дўконлар ҳақида кетаётди. И. Пирков ана шу савдо дўконларини кўчириш масаласини кўриб чиқишга ваъда берди.

ДУМНО расмий сайти

Мусулмон олимлар кенгашидилар

Байрутда мусулмон олимлар халқаро уюшмаси (IAMS)нинг анжумани бўлиб ўтди. Тадбир ниҳоясида илмий-маданий масалалар кўрилди ҳамда исломий даъват билан шуғулланувчи қўмиталар таъсис этилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ироқ ва Фаластиндаги аҳволни ҳам муҳокама қилишди. Анжуманни мусулмон олимлар халқаро уюшмаси президенти Юсуф ал-Қарзовий бошқарди.

“Ушбу анжуман IAMSнинг маъмурий масалаларини, шу билан бирга, Ислом оламидаги муҳим муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ўтказилмоқда”, деди уюшма бош котиби Муҳаммад Салом ал-Аво.

Мусулмон олимлар халқаро уюшмаси шу йилнинг 11 июлидан мустақил нодавлат ташкилот сифатида Буюк Британияда фаолият бошлаган эди. Дунёнинг турли мамлакатларидан икки юз уламони бирлаштирган бу уюшма ҳозир энг нуфузли ташкилотлардан ҳисобланади.

Islam Online

ОДАМИЙЛИК ЖАВҲАРИ

Ҳақиқий дунё саодати

Кўчада ойисининг қўлидан маҳкам тутган жажжи қизалоқнинг ҳайрат ила атрофга боқаётганини кузатганмисиз? Маъсум туйғуларга лиммо-лим митти юраги шу топда не-не сир-синаотлар билан ҳаприқаётгандир! Балки унинг ҳаяжонга фарқ вужуди борлиқдаги ажабтовур олам ҳикматларини мўъжаз тасаввурига муҳрлаётгандир? Болаликнинг беғубор титроқлари ила унинг толеида саодатли саҳифалар очилаётган бўлса не ажаб...

Зеро, ёш бола теварак-атрофни қандай кўраётган бўлса, шундайича беғубор қабул қилади. Биз катталар-чи? Турмушимиз тўкин бўлиши учун тинмай курашамиз. Гўё шу йўлдаги уринишларимиз дунёимизни гўзал қилаётгандек. Аслида шундайми?.. Ортага бир боқайлик! Биз сезмайдиган заррада ҳам мислсиз жараён кечади. Унинг мўъжизавий, сирли ҳаракати, ривожланиш қонуниятлари тафаккурсиз қаралса, оддий туюлади. Ҳолбуки, ҳикмати кўп. Бунини фақат ақл эгаларигина англай оладилар. Оламга тафаккур кўзи ила назар ташлайлик! Аллоҳ бизни шундай қилишга буюрган. **“Ақл юргизишларингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён қилади”** (Бақара, 243). Ақл юргизсак, қаршимизда шу дамгача тасаввурга сифмаган ўзга олам намоён бўлади. Илгари кўра олмаганимиз гўзалликлар билан ошно бўламиз.

Одамийлик жавҳари, қалб ҳаловати имоний фикрлашдадир. Кундалик турмуш ташвишларию эртанги кунга бандликдан

Аллоҳга бандаликни адо этишга шошилар эканмиз, танадаги ҳар бир аъзо, гўё яратилганини англагандай, Аллоҳга қуликдек буюк вазифасини ўтай бошлайди. Турли қийинчиликлардан зада юрак шубҳасиз, ибодат билан таскин топади, оғриқли нуқталар шифоланади.

Ҳар бир инсон ҳаётдаги воқеликлар сабабини ақли билан қидиради, асл ҳақиқатини билишга қизиқади. Бироқ инсон ақли чегаралангани боис ҳаётнинг бир зайл кечишига маҳлиё бўлиб қолади, тизгинсиз хаёллар гирдобига қолади. Айрим биродарларимиз кунбўйи иш билан машғул бўлсалар-да, баъзан тунлари тинчгина ором ололмайдилар. Тун ярмида кўққисдан уйқулари қочади. Хуноб бўлиб, бурқситиб сигарет чекадилар. Гўё хумордан чиқадилар. Алламаҳалгача ухламайдилар. Аслида, Аллоҳ кундузни ризқ учун ҳаракат қилишга, тунни эса ором олишга яратган эмасми?! Нега унда тунда ҳаловат йўқолган? Бу ҳол бежиз эмас. Ўй-ташвишлар гирдобига, тубсиз хаёллар уммонида толиққан қалб ҳидоят маъғини топмоқ истайди. Вужудга ором, қалбга фароғат улуг Аллоҳга юзланиш билан топилади.

Зеро, қалб кўзи кўр, ақл кўзи берк киши учун Унинг хузурига албатта қайтишни ҳис этиш йўқ.

Маҳмуд ҚАҲҲОРОВ,
Китоб

Хурсандчилик улашинг

Гоҳ менга инсонлар ўртасида оқибат, меҳру муҳаббат йўқо-

либ бораётгандек туюлади. Баъзи нохуш манзаралар юракни эзади. Буларни ўйласангиз, жарликка қулаётгандек бўласиз гўё...

Алҳамдулиллаҳ, дардимизнинг малҳами — комил шифо бор. Бу касал юксак имон, ирода вачиройли сабр билан тузалади. Аллоҳ таоло инсонни яратиб, ақлу фаросат бериб, барча маҳлуқот ичида азиз ва мукаррам қилди, Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) гўзал ахлоққа, камолотга эришиш йўлларини таълим бердилар. Бу неъматларни тушунган, ундан баҳра олган ҳар бир одам Яратганга ҳамду санолар, шукроналарни қанда қилмайди. Афсуски...

Бозор муносабатлари ҳалол-ҳаром мезонига асосланмагани учун одамлар ўртасида омонатга хиёнат, бировнинг ҳаққини уриб қолиш каби иллатлар урчиб бормоқда. Энг ёмони бу жараёнга табиий ҳол деб қарайдиганлар кўпайиб боряпти. Шундай кетаверса, қандай фожиаларга олиб келиши тўғрисида жиддий ўйлаб ҳам кўрмайпмиз.

Шариатимиз бундай иллатларни кескин қоралаб, эвазига доимо садақа қилиб туришга буюради. Садақада баданни гуноҳлардан поклаш бор. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“(Эй Муҳаммад), Сиз уларнинг молларидан бир қисмини ўзларини поклаб-тозалайдиган садақа сифатида олинг”** (Тавба, 103). Садақа касаллик ва балоларга тўсиқ бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи васаллам) айтганлар: **“Огоҳ бўлинглар, савдода бемаъни сўз, қасам ва ёлгон бўлиб туради. Шунинг учун ҳам унга**

ИМОНИЙ ФИКРЛАШДА

садақани кўшинлар”. Яна айтадилар: “Касалларингизни садақа билан даволанглар”. Садақа қилишда мискинларни рози қилиш, мўминларга хурсандчилик улашиш мужассам”. Бу иш амалларнинг афзалидан бўлиши таъкидланган.

Азамат ЗАРИФ,
Кармана

Тавфиқ Аллоҳдандир

Саидахмад ака билан кўришмаганимизга икки ҳафтадан ошган эди, Кўчада учрашиб қолдик. Мудом юзида табассум порлаб турадиган бу кишининг авзойи тунд эди.

— Ҳа, нима гап? — дедим ажабланиб. — Кайфиятингиз йўқроқ?..

— Эй ука, сўраманг, — деди. — Биз бу ёқда қилган ибодатларимиз билан мағрурланиб юрибмиз. Ўзини Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уммати деб ҳисоблаган айрим биродарларимиз эса... астағфируллоҳ...

Сўнг ҳикоя қилакетди:

— Ўтган жума Қорақалпоқдан тўй хати келди, биродаримиз ўғлини уйлаётган экан. Тўрт киши «Тико»да йўлга чиқдик. Исломиий тамоиллар асосида бўлган тўй жуда ажойиб ўтди. Пешинга ош, амри маъруф, кечки пайт кураш, одамларни юзи қувончдан порлайди. Маза қилдик. Тўйни ўтказиб бир олам хурсандчиликни елкалаб ортимизга қайтдик. Ҳаммамизнинг кайфияти-

миз кўтаринки эди. Йўлда келаётиб шофёримиз Муҳаммадкарим ака: “Биродарлар, бу жойларга ҳар кун ҳам келавермаймиз. Йўлакай Увайс Қароний ҳазратларининг қадамжоларини зиёрат қилиб кетмаймизми?” деб қолди. Ҳаммамизга жон кирди. Шундоқ улуғ зотни зиёрат қилмай босиб ўтиб кетиб бўларканми?!

Зиёратгоҳда одам кўп. У зотнинг қадамжолари тепаликда экан. Бир тўда кекса аёллар ерга энгашиб тепаликка чиқяпти, олдинда чоллар ҳам бор. Бу ҳолда беллари оғриси керак, деб ўйладим. “Келинг, опоқи, — дедим бир кампирга. — Менга суянинг, чиқаришиб юбораман”.

Аёл менга ажабланиб қаради-да: “Ўзим чиқаман”, деди. Мақбара ичига энди кирган ҳам эдикки, ортимиздан ҳалигилар етиб келишди.

Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ... Аёллар келасолиб уввос солиб, қабр устига бошини қўйиб сиғина кетишди. Кекса чоллар қабр атрофида айлана бошлашди.

— Нима қиялпсизлар?! — дедим ўзимни туголмай.

Кошки улар гапимни эшитса... Шу пайт шу жойда ўтирган бир мулла ўтганлар ҳаққига тиловат қилди. Унга “Мана буларнинг ҳозирги хатти-ҳаракати оғир гуноҳ, бундан қайтармайсизми?!” десам, мулзам бўлиб,

ерга қаради. Зиёратчиларга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бироқ гапимни ҳеч ким тушунишни истамади. Кейин билсам, тепаликка кампирларнинг энкайиб чиқишидан мурод ҳам, Увайс ҳазратларига сиғиниш экан. Ўшандан буён кайфиятим йўқ ука.

Саидахмад аканинг гапи мени ҳийла ўйга толдирди. Аллоҳ истаса, осмону ерча гуноҳни кечирини, лекин ширкни кечирмаслигини хаёлимга келтириб, қалбим эзилди. Ўйлаб-ўйлаб охири “Ҳидоят”га ёзишга қарор қилдим. Шояд, журнал орқали улар билмасдан қилаётган улуғ гуноҳларини тушуниб етсалар. Тавфиқ эса Аллоҳдандир.

Абдуллоҳ ЗОИР,
Яккабоғ



Худосиз совет тузуми ғайриинсоний мафкурасини халқлар онгига синдириш, сўнгра ботил сиёсатини эмин-эркин юритиш йўлида ёлгон ва номардликлардан кўп фойдаланган. Асосий усули тарихни, айниқса, мустамлакаси остидаги халқларнинг тарихини бузиб кўрсатиш бўлган. Шундай қабих ниятда тарихимиздаги икки улуг инсонни — Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбекни, улар яшаган даврдан беш юз йил ўтиб, “душман қилиб, уриштириб” қўйди. Энг ачинарлиси — ўзимизни ҳам шу ёлгонга ишонтира олди. Мақсад динни илм-фанга қарши деб уқдириш, халқимизни шарафли ўтмишидан бездириш эди. Маълум маънода ушбу жирканч мақсадига эришди ҳам... Хўш, ҳақиқат аслида қандай эди? Самарқандлик тадқиқотчи Комилхон Каттаев “Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек ўрталаридаги ҳақиқатни ойдинлаштиришга бағишлаб махсус рисола ёзди. Қуйида шу китобча асосида тайёрланган мақолани ҳужмингизга ҳавола этамиз¹.

Комилхон КАТТАЕВ

БИР ТАРИХИЙ ХАТО ВА УНИНГ ҲАҚИҚАТИ



Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек ораларини дастлаб академик Бартолд бошлиқ шарқшунослар бузган бўлса, кейинроқ ўзимиздан чиққан олимлар давом эттиришди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти Тошмуҳаммад Қори Ниёзий 1951 йили “Астрономическая школа

Улуғбека” (“Улуғбекнинг астрономия мактаби”) номли монографиясида Ҳазрати Хожа Аҳрорни Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишида айблади.

Академикнинг бу фикрига ушбу сатрлар муаллифининг бобоси Каттахонхожа Даҳбедий (1868 — 1969) қарши чиққан эдилар. Самарқанд Давлат университетининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари китобни раҳматли бобомизга таржима қилиб, ўқиб беришади (Хожа Аҳрор Валий у кишига она томондан катта бобо эдилар). Каттахонхожа Эшон бу асарни Исломи динига ва маърифатга қарши янги фитна деб тушуниб, ўша заҳоти Ўзбекистон Фанлар Академиясига ва унинг раҳбарига хат жўнатадилар ва академик жуда катта тарихий хатога йўл қўяётганини изҳор этадилар. Буни далиллаш учун тошкентлик катта олимларни Даҳбедга таклиф этадилар.

Ўша йили Тошкентдан уч-тўрт олим Даҳбедга келади. Улар ҳам исбот-далилларингиз жуда ишончли экан, аммо вақт ўтди, энди ҳеч ким буни тўхтата олмайди”, деб афсуслар қилишади. Дарҳа-

қиқат, Каттахонхожа Эшон қўлларидаги “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” қўлёзмасидаги далиллар Хожа Аҳрор Валийнинг Улуғбек фожеасига мутлақо алоқалари йўқлигини очиқ исботлаб турарди. Аммо, афсуски, собиқ Совет даврида Хожа Аҳрор Валий ва умуман Исломи динига қарши атайлаб уюштирилган бу фитна ҳозирга қадар ўзининг расмий таҳлилини ҳам, йирик мутахассис олимлар томонидан илмий асосланган хулосасини ҳам олгани йўқ.

Собиқ Иттифоқ тарихчилигида бу муаммони ўрганишда жуда кўп чалкашликларга йўл қўйилган. Аввало, Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек бир-бирлари билан учрашишмаган. Хожа Аҳрор халққа танилганидан кейин Самарқандга биринчи марта 1450 йили келган. (1427 йили оз муддатга ўқишга келган, аммо шаҳардаги мадрасаларнинг минглаб талабалари ичида ёш Убайдуллоҳнинг ҳукмдор Улуғбек билан шахсан таниш бўлиши эҳтимолдан йироқдир). Бу пайтда Мирзо Улуғбек ҳам, унинг падаркуш ўғли Абдуллатиф ҳам ҳаётда йўқ, ҳокимият Улуғбекнинг куёви ва жиғани Абдуллоҳ Мирзо қўлида эди. Шу далилнинг ўзи Ҳазрати Хожанинг Улуғбек фожеасига умуман алоқалари бўлмаганини исботлаб турибди.

Бу ҳолат нега тарихчилар эътиборидан четда қолгани кишини ажаблантиради. Ваҳоланки, қадимий қўлёзмаларда, хусусан, ўн олтинчи асрнинг машҳур асарларидан Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида Улуғбекнинг шаҳид этилишига бошқа сабаб бўлгани қатъий таъкидланган.

Мирзо Улуғбекнинг қатл муаммосини биринчи бўлиб нотўғри талқин қилган киши шарқшунос, академик Василий Бартолддир. У шундай ёзади: “Ўн бешинчи аср Ўрта Осиё учун икки дунёқарашнинг кураши замони бўлди. Бу дунёқарашлардан бирининг намоюдаси Темурнинг невараси Улуғбек бўлиб, ўтмишда Темурнинг пойтахти Самарқандда ҳукмронлик қилди. Иккинчи дунёқарашининг намоюдаси нақшбандийлар бошлиғи Хожа Аҳрор эди. У Улуғбек ўлиmidан сўнг икки йил ўтгач, ўзининг диний обрўйини ишга солиб, сиёсий ҳокимиятни қўлига олди ва уни Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди”² Бартолднинг бу сўзларидан икки шахс бир-бирига қарши кураш олиб борган, деган хулоса чиқарилган.

¹Комилхон Каттаев. «Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари». Рисола. Самарқанд. Имом ал-Бухорий илмий-маърифий республика маркази нашри. 2004.

²Василий Бартолд. “Улуғбек расадхонаси”, ЎзССР ФА тарих ва арх. институти, 5-жилд, Тошкент, 1952 йил.

Шу ўринда эътиборингизни Бартолднинг охири, яъни, “Хожа Аҳрор... Темурнинг ҳақиқий ҳамда сохта авлодлари вакиллари орқали идора қилди”, деган жумласига қаратмоқчимиз. Ваҳоланки, Хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги фаолияти даврида фақатгина икки подшоҳ — Абу Саид Мирзо (ҳукмронлиги 1451 — 1469 йиллар) ва унинг ўғли Аҳмад Мирзо (ҳукмронлиги 1469 — 1494 йиллар) тахтда бўлган ва ушбу иккала подшоҳ ҳам Мироншоҳ ибн Амир Темурнинг невараларидир ва уларнинг ҳақиқий темурийлардан эканига ҳеч қандай шакшубҳа йўқ.

Дин ва диний эътиқод қораланиб турган, илмий-тарихий қўлёзмаларни истаганча тасарруф қилиш ҳуқуқи коммунистик мафкурадаги шарқшунос тарихчиларга бериб қўйилган даврда маҳаллий олимлар ва ижодкор адиблар билиб-билмай тарихни сохталаштиришда

улардан ўрнак олдилар. Жумладан, Қори Ниёзий “Улуғбек ва унинг астрономия мактаби”³ китобида ва Мақсуд Шайхзода “Мирзо Улуғбек” фожиасида, шунингдек, бошқа айрим олим ва адиблар ҳам Улуғбек ўлимига Хожа Аҳрор Валийни айбдор қилиб кўрсатишган ва жонбозликда мустамлакачиларни ҳам ортда қолдириб кетишган.

Русиялик А.Болдирёв, тожикистонлик Аълон Афсадзод каби олимлар мустабид тузум даврида ҳам Хожа Аҳрор ҳақларида ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилишгани ҳолда баъзи юртдошларимиз бу валий зотни “тараққиёт душмани”, “Улуғбекка қарши чиққан шахс”, “реаксион дин арбоби” сифатлари билан китоблар ёзишган эди. Яна бир катта инсофсизлик шуки, айримлар Улуғбекнинг қатлини унинг расадхона қурдирганию фалакшунослик илми билан шуғулланганига боғлашади. Бу даъвода ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Динимиз, айримлар зўр бериб истаганидай, илм-фанга, тараққиётга зид эмас. Мирзо Улуғбек ҳам ҳеч қачон ғайридин бўлмаган, беш вақт намозини канда қилмаган, асарларида Ислом дини ва ақида-сини ҳимоя этган зотдир. Бунинг устига, мусулмон оламида Улуғбекдан олдин ҳам, кейин ҳам фалакшунлик билан шуғулланган, расадхоналар қурилган. Энг қизиғи, Хожа Аҳрор қурдирган ва Сўзангарон кўчасида жойлашган мадрасанинг деворига туташ ҳовли Улуғбекнинг энг яқин шоғирди Мавлоно Али Қушчига тегишли бўлган. Бу аллома устози Улуғбек вафотидан кейин яна йигирма икки йил мобайнида шу ҳовлисида тинчгина яшаб, ижод қилган.

Хўш, унда Улуғбек фожиасига нима сабаб бўлган? Фожианинг асл илдири — сиёсий вазжа, тожу тахт учун курашга бориб тақалади. Маълумки, Амир Темур Кўрагоний ўзининг валиаҳди

³Қори Ниёзий. “Улуғбек ва унинг астрономик мактаби”, Т. Танланган асарлар, VI жилд, 329-бет.

бўлган невараси Муҳаммад Султоннинг бевақт ўлими туфайли ўзига бошқа ворисни халққа эълон қилишга улгурмай, вафот этади. Охириги дақиқаларда тайинланган Пирмуҳаммад Мирзони темурийлар тан олишмаган. Курашлар натижасида Халил Султон оз вақт тахтда бўлганидан сўнг Амир Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо ҳокимиятни тўла эгаллади.

Кейинчалик Шоҳруҳ Мирзонинг вафоти ҳам отаси Темурники каби чалкашликларга олиб келади. Шоҳруҳ суюкли невараси Абдуллатифни (Улуғбекнинг ўғлини) ворис қилиб тайинлаш

ниятиди эди. Аммо подшоҳнинг хотини Гавҳаршодбегим давлат ишларига аралашиб, бошқа бир нева Алоуддавлани тахтга ўтқизмоқчи бўлади. Жон таслим қилаётган Шоҳруҳ Мирзо вазири хузурида, Абдуллатифнинг кўз олдида девон ёрлиғига унинг валиаҳд экани ҳақида

муҳр босишларига амр этади. Лекин подшоҳ вафот этгач, бу амр ижро этилмай қолади. Натижада уч нева — Алоуддава, Абдуллатиф ва Абулқосим Бобур ўрталарида тахт учун ўзаро низолар чиқади. Бу низога Мирзо Улуғбек ҳам қўшилади. Тахт даъвогарларидан кўра унинг ҳаққи устунроқ эди, чунки у Шоҳруҳга ўғил, бошқалар эса нева эди. Улуғбек ўғли Абдуллатиф билан бирлашиб, Алоуддавлани Ҳиротдан қочишга мажбур этади ва Шоҳруҳнинг пойтахтини эгалайди. Аммо кўп ўтмай тахтга ўтириш иштиёқида ёнган Абдуллатиф Улуғбекка адоватда бўлган шахсларнинг ота-бола ўртасига нифоқ-фитна солиш учун уюштирган кутқуларига учиб, отасига қарши уруш бошлайди ва уни тахтдан воз кечишга мажбур қилади. 1449 йилнинг 25 ўктябрида ҳаж сафарига отланган Улуғбекнинг бошини Аббос исмли саркарда танасидан жудо этади.

Албатта, Абдуллатиф ҳукмдор сифатида бу ишнинг олдини олиши мумкин эди. Унинг бу жирканч ишнинг ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайд.

Хожа Аҳрор Валий эса бу воқеадан бир йил кейин, 1450 йили Самарқандга келганлар, бунгача у зот Шошда тоат-ибодат ва деҳқончилик билан машғул бўлганлар.

Хуллас, Мирзо Улуғбекнинг ўлимига Ислом дини ҳам, Хожа Аҳрор Валий ҳам сабабчи эмас, балки бу фожа ҳукмдорнинг айрим кишилар билан шахсий адовати ва тахт учун курашлар натижасидир.

Манбалар:

1. Ҳофиз Таниш Бухорий. “Абдуллонома”, Т., “Фан”, 1966.
2. Шарафиддин Ҳусайн. “Маноқиб Шайх Хоразмий”.
3. Фахруддин Али Сафий. “Рашаоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.
4. Абдураззоқ Самарқандий. “Магълаус-саъдайн”, Т., “Фан”. 1969й.
5. Ҳалимов Ф. “Хожа Аҳрор ва рисоалар”. Имом Бухорий нашр. 2004.
6. А. Муҳаммадхочев. “Нақши Хоча Аҳрор дар таърихи фарҳанги Осиёи Марказий. Хоча Аҳрори Валий”, мачмуа, Душанбе, 2004, саҳифаи 17.

Нодирхон ҲАСАН,
филология фанлари номзоди, ЎзР ФА Алишер
Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

ҲАЗИНИЙ ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҲАҚИДА



XVI асрда яшаб ижод этган яссавия, нақшбандия шайхи, тасаввуфга бағишланган қатор асарлар муаллифи, ҳозирда адабий мероси хориж кутубхоналарида сақланаётган юртдошимиз Султон Аҳмад Ҳазиний ал-Ҳисорий (1533—1596) ўзининг “Жавоҳир ул-аброр мин амвожил

биҳор” асарида кўплаб машойихлар қатори Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таърифига ҳам ўрни-ўрни билан тўхталиб ўтади.

1. Ҳазиний ўз асарида бу улуг зотни нақшбандийликнинг ривожига ҳисса қўшган сиймо сифатида тилга олади. Унинг ёзишича: “Хожа Аҳрор Ҳисор элида Яъқуб Чархийдан ишнинг сиррини (яъни, сайру сулук сир-асрорини) ўрганди. Нақшбандийлик тариқати тўлин ой бўлган Хожа Аҳрор билан ривож топди. Унинг машойихлар силсиласидаги нисбати туфайли хафий зикрнинг қиймати янада ортди. Хожа Аҳрорнинг (тариқатдаги) нақши нақшбандийларнинг йўли бўлди”.¹

2. Ҳазиний яссавийликдаги зикри арра хусусида тўхталар экан, бошқа тариқат вакиллари қатори, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳам бу зикр турига ошуфта бўлиб қолганини ҳикоя қилади: “Аллоху зулжалол булбулларининг билувчиси, Ҳаққа восил бўлиш боғининг Хожа Аҳрори (яссавий шайхи) Камол Иқонийга дедики: “Бир булбул каби биз учун кўнгилдан арра зикри бажо айла!” Камол Иқоний арра зикрини бошлаганида, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор дедики: “Кўнглимизни ёндирдинг, бу зикр оташи билан жонимизни ёқдинг”. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг бу самимий эътирофидан илҳомланган Ҳазиний шундай давом этади: “Дарҳақиқат, бу оташдек зикр тупроқдан оламни юксалтирди. Унинг само садоси ва чақмоғи то Арши аъло устига қадар етиб борди. Ҳақ зикрининг сиррини фақат кўнгил аҳли ва ўтган зикрларнинг дарсларини ўқиганлар билади. Кўнглида бу самоъ ва жўшқинлик бўлмаган ҳар ким арра зикрининг моҳиятини қаердан билсин?”²

3. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўп шаҳар ва қиш-

лоқларини кезар, улуг авлиё зотларнинг қабрларини тез-тез зиёрат қилиб турар, уларнинг руҳониятидан файз олар эди. “Жавоҳир ул-аброр”-да ёзилишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Занги отанинг мозори тупроғидан “Аллоҳ” деган фарёднинг самога юксалишини ҳар тонг ва шомда эшитар экан.³

4. Ҳазиний асарида ёзилишча, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор яссавия машойихидан Шайх Ходим билан дўст тутиниб, кеча-кундуз у билан бирга бўлишни истаган экан.⁴

Шундай қилиб, Ҳазиний битиб қолдирган мазкур маълумотлар Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг бошқа машойихлар каби яссавия улугларига ҳам ҳурмат-эҳтиром билдирганини, замондош яссавия шайхлари билан самимий ва дўстона муносабатда бўлганини кўрсатади.

Садри САЪДИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Самарқанд Давлат университети

ТАРИҚАТДА ЎЗГАРИШ ЯСАГАН МУРШИД

XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқатининг пири-муршиди бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404 — 1490) сўфийликнинг ҳукмдорларга муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Бу даврда нақшбандия пешволари тариқат билан давлат орасида мавжуд тушунмовчилик ва жудоликдан воз кечишга, ҳукмдорлар билан муносабат ўрнатишга интилади. Нақшбандияга доир манбалар. жумладан, Махдуми Аъзам Даҳбедий Косонийнинг (1461 — 1542) “Танбиҳ ус-салотин” рисолисида Хожа Аҳрор туфайли тариқат ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат “ихтилот” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди-келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

“Танбиҳ ус-салотин”да Хожа Аҳрор вафотидан кейин XVI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган Махдуми Аъзам тариқат ривожини подшоҳларнинг унга хайрхоҳ муносабатига боғлиқ, деган фикрни таъкидлайди: “Аммо, эй толиби содиқ, шуни билгилки, гар замон подшоҳлари уларга ва уларнинг тариқатига мухлису муътақид, уларга мададкор ва ёрдамчи бўлсалар, бу олий тоифа (нақшбандийлар — С.С.) ул вақтда бу шариф нисбат (тариқат — С.С.) билан шуғулланиб, уни ривожлантира оладилар. Акс ҳолда, жуда мушкул бўлади”.¹

Бу гоё аслида Хожа Аҳрордан келганига Махдуми Аъзам ишора қилади: “Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қуддиси сирраҳудан нақл қилибдур-

¹“Жавоҳир ул-аброр мин амвожил биҳор”, 115а. ²Ўша асар, 130а. ³Ўша асар, 116б, 117а. ⁴Ўша асар, 118а.



Замира ИСОҚОВА,
тадқиқотчи, Давлат ва жамият қурилиши
академияси

ДУНЁНИ ҚУТҚАРИШ УЧУН

ларким, ул зотнинг ёшлик пайтларида нисбати шарифлари туфайли бир воқеани (тушларида) кўрибдурларким, гўё Ҳазрати Пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) ул кишини ўзларининг муборақ елкаларига кўтариб, Шошдаги Мавлоно Абу Бакр Қафқол Шошийнинг нурга тўлган мазорлари ёнидаги тепаликка чиқарадилар. Бу тушнинг таъбирини чунон айтдиларким, Муҳаммад пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) шариат ва тариқатларининг ривожини ул киши (Хожа Аҳрор) орқали вужудга келар экан. Яна ул зот айтган эканларки: “Шунча мулоҳаза қилдим, подшоҳлар мадади, кўмагисиз ҳеч натижага эришиш мумкин эмас, демакки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мени подшоҳлар билан ихтилот қилишга масъул қилди”.

Маҳдуми Аъзам рисолада Хожа Аҳрорнинг подшоҳлар мададсиз тариқат фаолиятини ривожлантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳулосасини изоҳлаб, аксарият одамлар нодонлиги ва жоҳиллиги боис ушбу тоифа завқу ҳолига мункир бўлиб, уларни ҳамиша тақфир ва икнор этиб, ташвишга солиб келганлар, деб ёзади. Аммо подшоҳлар бу тоифага мухлис ва эътиқодманд бўлсалар, мункирлар ҳеч бир зиёнли иш қила олмайди.

Тариқатнинг Хожа Аҳрор ишлаб чиққан бу янги йўли, унинг давлатдорлар билан келишиш, сулҳ-салоҳга боришга асосланган сиёсати тариқат билан давлат ўртасида оқилона муносабат ўрнатишга қаратилган эди. Бинобарин, ихтилот йўли фақат шариат ва тариқат ривожига кенг йўл очиб беришдан иборат бўлмаган. Хожа Аҳрорнинг ихтилот йўлига ўтиши, айниқса, бу тоифа учун манфаатли эди. Нақшбандиянинг инсонпарварлик таълимоти руҳида улғайган, ҳамиша фақир-бечоралар ғами билан яшаган улғу муршид подшоҳ ва бошқа давлат арбоблари билан суҳбат орқали уларни адолат ва фуқаропарварликка чорлаган, ҳукмдорлар қалбида инсонпарварлик туйғусини уйғотиш, фуқароларга адл-инсоф билан ёндашиш лозимлигини уқтирган.

Маҳдуми Аъзам Даҳбедий. “Танбиҳ ус-салотин”, Самарқанд, «Зарафшон», 1994 йил, 35-бет.

Вақтиқи узр десалар, қабул қил ва одоб ўргатсалар ўрган, ҳар кимга одоб ўргатсалар-у, ўрганмаса, ҳайвондир. Ва узр айтсалар-у, қабул қилмаса, шайтондир.

Хожа Аҳрор Валий

эди, аммо бизнинг ниятимиз бошқа — мусулмонларни золимларнинг зулмидан ҳимоя қилиш. Мана шу ниятга эришиш учун биз подшоҳлар билан мулоқот қилишимиз, уларнинг қалбини забт этишимиз ва шу тарзда Ислому аҳкомларини бажо келтиришимиз керак”.

Хожа Аҳрор Валий жуда катта мол-мулк, ер майдонига эгалик қилган, ўз ихтиёридаги ерлардан деҳқон-чорвадорларга фойдалинишлари учун берган, ҳунарманд ва тижорат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилиб келган, халққа солинган солиқларни ўз мулкидан тўлаган, мадраса, хонақоҳ, масжид, шифохоналар қурдирган. Уларни таъмирлаш, муаллим ва талабаларни моддий таъминлаш мақсадида ерларини вақф қилдирган.

Манбалар:

1. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004. 2. Муҳаммад Қози. “Силсилату-л-орифийн ва тазкирату-с-сиддиқийн”, қўлёзма рақами 11413.

Аллоҳ таоло ҳикматлар воситасида бандалар жонига қувват бағишлаб, билимларини билимсизлик, адолатларини зулм ғуборидан тозалайди, жўмардликларини риёкорлик, ҳилмларини ақлсизлик балосидан фориғ, мусаффо этади. Ҳар ўқиган кимса ақли етганича англалар, ҳар хизмат қилгувчи кимса кучи етганича хизмат этар.

Бу оби ҳаётни излаган киши дунёда яшаркан, шу тилак изидан қувиб чарчамаслиги, сабаблар ила эҳтиёжлар ипини маҳкам тутмоғи керак. Нафсига банда бўлган, ҳузур-ҳаловатини ўйлаган, ҳориб-чарчаган, умргузаронлик кўйига тушганлар бу билимга ноил бўлолмас. Бу билимга ёлғиз Аллоҳга сиғиниб динини дунёсидан устун қўйганлар етишур ва ҳикмат хазинасидан мунаввар ёғдулар, ноёб инжулар, дурру жавоҳирлар олур.

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Ҳолами мулки Сулаймондир илм,

«Маснавийи маънавий»дан ҳикматлар

Тингла найдин, чун ҳикоят айлағай,
Айрилиқлардин шикоят айлағай...

Воқифи Ҳақ улки, имон ичрадир,
Ҳар нафас бир боғу бўстон ичрадир.

Тонг кичик маҳшар эмишдир, иқтибос,
Сен буюк маҳшарни андин эт қиёс.

Тушса сенга бир Худоёрнинг кўзи,
Ёр бўлур сенга Худойимнинг ўзи.

Гарчи танҳоликда тан ухлоқ эрур,
Дил аро саккиз беҳишт яшноқ эрур.

Ложарам дунё муқаддам келди, бас,
Токи бил деб қадри иқлими Аласт...

Бу синиқ деб сен садафга боқма хор,
Бағрида балки мунаввар инжу бор.

Пуфлама шамъи Худони, эй фалон,
Сўнгра оташларда ёнғайсен ёмон.

Бул жаҳондин ул жаҳонга қайтасен,
Ул шуқур уйида шуқрон айтасен.

Кўзни юнгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурму Ҳақни кўрмас бўлса ул?

Бошқалар бермас бировга, Ул берар,
Бошқалар бер дебон кўнгил берар...

Кун бўйи не кўрса фил орзусида,
Тунда кўргайдир уни уйқусида...

Сиз ёмонлар макрини малҳам қилинг,
Ўзни устун айламоқни кам қилинг...

Кимки, Аллоҳим, дегайдир ҳар куни,
Оқибат, бандам, дегай Аллоҳ уни...

Мўъжиза эрмас фалакда офтоб,
Мўъжиза оламда ул Уммул-Китоб.

Хуш демиш андоқ Расули дилнавоз:
Зарра ақлина садқаси савму намоз...

Кимки бадбахтдир, куйикдир хирмани,
Ёнмасин дер ўзга инсонлар шами...



Ким ёмондир, беомонлик айлағай,
Яхшилик этсанг, ёмонлик айлағай.

Жаҳд қил, нафсингга этгил қаршилик,
Ул ёмондин ким кўрибдир яхшилик...

Боқма осмонларга бундоқ турда сен,
Не боқарсен кўкка, кўнгил мурдасен?

Сирри жон улким хабар имкони бор,
Ким хабардор эрса, кўпроқ жони бор.

Таъсири жон баски огоҳлик эрур,
Кимда ул кўп эрса, Аллоҳлик эрур.

Сен-да кўрсатгил сулаймонлик кучин,
Девларинг тош йўнсин айвонинг учун.

Сен синиқ кўнгил била этгил дуо,
Ки шикаста дилдадир фазли Худо,

Нарса йўқким, хорижи олам эрур,
Ҳар не истарсен ўзингда жам эрур.

Бул жаҳон хумдир, кўнгил — наҳри ажаб,
Бул жаҳон уйдир, кўнгил — шаҳри ажаб.

Ҳолами мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам суврату жондир илм...

Жумла олам суврату жондир илм...

Дил ақлдан нурга тўлгай дамба-дам,
Нур туташгайдир кўнгилдин кўзга ҳам.

Мен нечук бир кимсамен Машҳар куни?
Жумла олам илмига жон бил уни...

Нурни сен одамдан ол, ё Ундан ол,
Май ичарсен, кўзадин ё хумдан ол.

Сен фикрни шахс бил, эй жонажон,
Чунки шахс топмагай фикрдан қадру жон.

Илму фан деб ўлса, муқбил оти бор,
Бу ўлимда юз тириклик тоти бор.

Ҳақдин ўзга барчаси душман, У — дўст,
Дўстидин душманга дод айларму дўст?

Дилда бўлса, кўзга келгай маҳсули,
Кўз нури — кўнгил нурининг ҳосили.

Шоҳ бўлса, юртга огоҳ бўлсин ул,
Хос бўлсин, хоси Аллоҳ бўлсин ул...

Бетамизлар элга раҳбар бўлмасин,
Эшшак ўрнида тутарлар эгасин..

Мазҳаби дин барча динлардан жудо,
Аҳли ишққа мазҳабу миллат — Худо.

Ҳақ сенга бош берди, сажда айлагил,
Ул оёқ ҳам берди, қаъда айлагил.

Одамий — кўздир, кўриш ўлгунчадир,
Ҳар неча ул кўрса, қадри шунчадир...



Биз агар наймиз, наво Ҳақдин келур,
Биз агар тоғмиз, садо Ҳақдин келур.

Лабларига етсам ул дамсозни,
Най каби мен сочгай эрдим розни...

Жумла иблислар-да одам юзли, бас,
Ҳар кишига қўл узатмоқ яхшимас.

Юз саноч олтинни тўксанг, эй фани,
Ҳақ дегайким, топганинг кўнгил қани?

Сенгамас, кўз ташлагум кўнгилга мен,
Тухфа айлаб, келтир остонамга сен...

Ўлди муҳсин, ўлмади эҳсони лек,
Дин буюк Ҳақ наздида, эҳсон буюк.

Ақл эрур Ҳақ сояси, Ҳақ — офтоб,
Офтобга соя ҳеч бергайму тоб?

Сен ўзингдан-ку қочолмассен, аниқ,
Бас, нетиб Ҳақдин қочарсен, эй рафиқ?

Форсийдан
Жамол КАМОЛ
таржимаси

Ашурбек МЎМИНОВ,
тарих фанлари доктори, Тошкент Давлат
шарқшунослик институти

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ВА ШОШ МАЪНАВИЙ МУҲИТИ



1. Хожа Аҳрор Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак мақомга эришганидан сўнг буюк диний арбобнинг кўп сонли таржимаи ҳоллари яратила бошланди. Уларда Хожа Аҳрорнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти, мақомот ва кароматларини тасвирлаш билан бир қаторда буюк муршид-

нинг келиб чиқиш (насаб)ини улуғлашга ҳаракатлар қилинди. Насаб борасидаги мазкур таржимаи ҳолларда келтирилган хилма-хил, зиддиятли бўлса-да, бой материал, биринчидан, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи ҳудудларида жойлашган Туркистон, яссавий шайхлари таъсири остида бўлган Шош вилоятида ўша даврда ҳукм сурган маънавий муҳит, унда фаолият олиб борган исломий фирқа ва гуруҳлар фаолиятини ўрганишда, иккинчидан, Хожа Аҳрор шахси орқали Туркистон муҳитининг Мовароуннаҳр ва Хуросон нақшбандийларига ўтказган таъсирини таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Бу насабномаларда Хожа Аҳрор: 1) отаси Хожа Маҳмуд орқали 20 воситада халифа Абу Бакр Сиддиқ (632 — 634 йиллар); 2) онаси Робиабегим орқали 13 воситада халифа Умар ибн ал-Хаттоб (634 — 644); 3) она тарафдан бувиси Фотимабегим орқали 26 воситада халифа Али ибн Абу Толиб (656 — 661) билан боғланади. Бу шажараларда зикр этилган сўнгги авлод вакилларида аксариятининг номлари ўз даврлари манбаларида эсланмагани сабабли улар ҳаёти ва фаолияти мавжуд илмий адабиётда ҳам ёритилмаган. Шу боис ҳар бир сулоланинг тутган ўрни масаласига батафсил тўхташ мумкин.

3. Хожа Аҳрор шажарасида зикр қилинган бакрий-сиддиқийлар ҳақида илмий адабиётда жузъий маълумотлар бор. Лекин профессор Д. Деуиснинг 1994 йилда нашр этилган монографиясида асосан Олтин Ўрда ҳудудида фаолият олиб борган бакрийлар ҳақида сўз боради. Шош вилоятида машҳур Хожа Тарозушкан, Хожа Ҳамид, Чинорлиқ шайх, Лутфулло Чустий (вафоти 1571 йил) каби бакрийлар насабига мансуб бўлган уламолар гуруҳи борасида тадқи-

қотлар эндигина биринчи қадамлар қўя бошлади.

4. Туркистон, хусусан, Шош вилоятидаги зиёратгоҳ жойлар харитасида кўплаб умарийлар наслидан бўлган авлиёларни учратамиз: Абдуллоҳ Шурида, унинг ўғли Ошиқ Йусуф (Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон қишлоғида дафн этилганлар), Умар Боғистоний, унинг ўғли Шайх Хованд Таҳур, Ҳасан Восилий ва бошқалар. Манбаларда аксарият умарийлар “Парранда” лақаблари остида учрайдилар.

5. Маълумки, Хожа Аҳмад Яссавий ва у асос солган тариқат пешволари ўз насабларини Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийга (вафоти 700 — 701 йил) олиб борадилар. Яссавийа шайхлари насабнома ва шажараларида мазкур тариқат тарихига оид маълумотлар кўплаб учрайди. Уларда бевосита Ибн ал-Ҳанафийа авлодларидан ташқари бакрийлар ва умарийларга иқтибослар ҳам учрайди. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, яссавийа тариқатида нақшбандийадан фарқли равишда шайхликни белгилашда насаб катта рўл ўйнаган. Демак, яссавий насабномаларидаги Ибн ал-Ҳанафийа авлодлари билан боғлиқ маълумотлар бевосита мазкур тариқат доираларига тегишли деб ҳисобласак, уларда зикр этилган кўплаб бакрийлар ва умарийлар, яқин ва қариндош бўлса-да, лекин бошқа муҳитни акс эттиради.

6. Насаб масаласи Туркистон шайхлари орасида кенг тарқалганига иқрор бўлиш мумкин. Лекин бу ҳодисанинг Мовароуннаҳрга тарқалиши ҳозирча баҳс қилинмаган мавзу. Яқинда бизнинг эътиборимизга Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғида топилган бир ҳужжат ҳавола қилинди. Бу ҳужжат — Бухоро хони Амир Ҳайдар (1800 — 1826) томонидан тасдиқланган машҳур Қусам ота (XIV аср) авлодларининг шажарасидир. Унда Баҳроуддин Нақшбанд (1318 — 1389) мазкур Қусам отанинг сабабий ўғли эканлиги таъкидланган. Энг қизиғи — бу ҳужжатдан Қусам ота Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийанинг авлоди эканлиги маълум бўлади. Бу факт, биринчидан, шу пайтгача Қусам отанинг яссавий шайхи бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илмий фаразни тасдиқлайди, иккинчидан, нақшбандийа тариқатининг шаклланишига Туркистон муҳити вакиллари маълум даражада таъсир ўтказганини кўрсатади.

Манбалар:

1. “Рисолаи авлод ва хулафои Хожаи Аҳрор”. ЎЗР ФА шарқшунослик институти қўлғезмалар фонди, рақами 1883/III. 2. Абдулҳай ибн Аби-л-Фатҳ ал-Ҳусайний. “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”, рақами 526/1. 3. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.

Омонулла БҮРИЕВ, тарих фанлари номзоди,
ЎзР ФА шарқишунослик институти

XV АСРДА МОВАРОУННАХР ВА ХУРОСОН

Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихий воқеликлар таъсирида, бир неча марта ягона сиёсий тузилма — у ёки бу давлат таркибида бўлиб келган. Чунончи, Амир Темур салтанатининг турли худудларини ўғиллари ва невараларига суюрғол қилиб берган. Жумладан, Хуросон дастлаб Мироншоҳга, сўнгра 1397 йили Шоҳруҳ Мирзога суюрғол қилинган. Мовароуннаҳр эса, салтанат маркази эди. Амир Темур вафотидан сўнг, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мураккаб сиёсий жараёнлар кечди. Шоҳруҳ Мирзо ҳукмдорлиги анча узоқ вақт давом этди — 50 йил Хуросон ва 37 йил Мовароуннаҳр ва Хуросон унинг ҳукми доирасида эди. XV асрнинг биринчи ярмида темурийлар давлати Шоҳруҳ Мирзонинг тadbирли давлатчилиги сиёсати туфайли равнақ топди. Илм-фан, тарихнавислик ривожига Шоҳруҳ Мирзо ва Бойсунғур Мирзо ҳомийлик қилди. Мирзо Улуғбек ҳам бобоси Амир Темурнинг бунёдкорлик ишларини давом эттирди.

Худди шу даврда хожагон-нақшбандия тариқати ривожланиб, Марказий Осиёда йирик таъ-

лимот сифатида ўрин олди, бу соҳада қатор асарлар ёзилди. Салоҳ ибн Муборак “Анис ат-толибин”, Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия”, “Мақомоти хожа Алоуддин Аттор”, “Таҳқиқот”, “Рисолаи маҳбубия”, “Рисолаи кашфия”; Абулқосим Бухорий “Рисолаи баҳоя”, мавлоно Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447) “Рисолаи унсия”, “Силсилаи нақшбандия” каби асарлар ана шулар жумласидандир. Умуман олганда, XV аср илк ярми темурийлар салтанатидаги уйғонишнинг биринчи босқичини ташкил қилади, дейиш мумкин.

XV асрнинг 50-йилларида маълум вақт Мовароуннаҳр ва Хуросон сиёсий жиҳатдан бўлинди: темурийлардан Султон Абу Саид ибн Мироншоҳ Мовароуннаҳр, Абулқосим Бобур ибн Бойсунғур ибн Шоҳруҳ Хуросонда ҳукмдор эдилар. Улар орасида адоват бор эди, ҳатто 1454 йил Абулқосим Самарқандни қамал қилгани ва Хожа Аҳрорнинг тadbирли билан сулҳ тузилгани ҳам маълум.

Абулқосим Бобур вафотидан (1457 йил) сўнг Султон Абу Саид Хуросонни эгаллади, Эронни ҳам тасарруфига киритди; Узоқ йиллар (28 йил) тақдир тақозоси билан Шерозда яшаб турган



мўғул хони Юнусхонни келтириб, яна Мўғулистонга хон қилиб жўнатди. Мазкур тadbир темурийлар ва мўғул ҳукмдорлари ўртасида қариндошлик ришталари янгиланиши ва мустаҳкамланишига ҳам олиб келди. Юнусхон кейинроқ учта қизини Абу Саиднинг учта ўғли — Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умаршайхга турмушга берган. Ҳиндистонда ҳукм сурган бобурийлар сулоласи ҳам ана шу қариндошлик даврасига киради.

Абу Саид ғарбий Эронга юриши чоғида вафот этгач (1468) Мовароуннаҳр ва Хуросон узил-кесил иккита сиёсий-маъмурий бирликка бўлиниб кетди.

Мовароуннаҳр, то бу ерда Шайбонийлар салтанати ўрнатилгунча (1500 йил) Султон Абу Саид авлодлари ҳукмида бўлган. Уч ўғилдан бири Султон Аҳмаднинг қароргоҳи пойтахт Самарқандда жойлашган ва у бош ҳукмдор эди; Умаршайх Фар-

ғонани бошқарарди, султон Маҳмуд эса Ҳисор, Кундуз ва Бадахшонни тасарруфида сақларди. Шунга қарамай, Хожа Аҳрор Валийнинг 40 йиллик бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли, Мовароуннаҳрда ҳукмдорлар ўртасида ички низолар баргараф этилди.

Натижада хўжалик тизимида бир мунча устувор ривожланиш юз берди.

Худди шу даврда, яъни, XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонни узоқ вақт — 37 йил битта ҳукмдор — Ҳусайн Бойқаро бошқарган. Шу туфайли мамлакатда нисбатан тинчлик-осудалик ҳукм сурди, иқтисодий ва маданий ривожланиш учун имконият яратилди ва бунда Алишер Навоийнинг бевосита ўрни бор.

Манбалар:

1. Руи Гонсалес де Клавихо. “Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406)”. М., 1990. ст.136;
2. Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Омонулло Бўриев. “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё”. Т., «Ўзбекистон», 1997. —24–34 бетлар.
3. “Маънавият юлдузлари”, 206-бет.
4. Мирза Муҳаммад Хайдар. “Тарих-и Рашиди”. Перевод А.Урунбаева, Р.Джалиловой, Л.Епифановой. Ташкент, «Фан». 1996. ст. 100, 108-109.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
тарих фанлари номзоди,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти

ЎЗИ ЁЗГАН ВА У ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР



Хожа Аҳрор Валий нақшбандия тариқатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У фақат оғзаки тарғиботчигина бўлиб қолмай, балки бу соҳада бир неча муҳим асарларнинг муаллифи ҳамдир. Ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ва

ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган бу асарлар қуйидагилардан иборатдир:

1. “Рисолаи ҳавроийя” (“Хурлар ҳақида рисола”). Бу асар машҳур мутасаввиф шайх Абу Саъид Абул Хайрнинг (ваф. 444/1048) тасаввуф намоёндалари орасида кенг тарқалган бир рубоийи шарҳига бағишланган. Шамсиддин-хон Бобохонов ва Абдула-

зиз Мансур “Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи” китобида мазкур рубоийни таржимаси билан бирга келтиришган.

Рубоий қуйидагича:

*Ҳавро ба назораи нигорам саф зад,
Ризвон зи таажжуб кафи худ бар каф зад.
Он холи сияҳ бар он рухон мутраф зад,
Абдол зи бийм чанг дар Мусҳаф зад.*

Бу асар муқаддимасидан маълум бўлишича, Хожа Аҳрор Валийгача кўп олимлар бу рубоийга шарҳ ёзганлар. Бироқ бу шарҳлар Хожа Аҳрор Валийни қониқтирмаган ва уни шарҳлашга бел боғлаган. Мазкур асарнинг бешта қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

2. “Рисолаи волидийя” (“Отага аталган рисола”). Хожа Аҳрор Валий бу рисолаи ўз отасининг илтимоси билан ёзган бўлиб, унда нақшбандия тариқатининг асослари баён этилган. Бу асарни Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзбек ти-

лига шеърӣ таржима қилган. Асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Унинг ўзбекча насрий таржимаси Тошкентда нашр қилинган.

3. “Фақарот ул-орифийн” (“Маърифат аҳли ҳаётидан лавҳалар”). Бу асар “Фақароти Аҳрорийя” ҳам дейилади. Асар ҳажм ҳижатидан Хожа Аҳрор Валийнинг бошқа асарларига нисбатан анчагина каттадир. Унинг олтига қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

4. “Анфоси нафиса” (“Дурдона сўзлар”). Бу асарнинг қўлёзма нусхаси кам. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида унинг фақат битта нусхасигина сақланмоқда. Ҳиндистонда нашр этилган тошбосма нусхада кўпгина машоъихларнинг асарлари қаторида келтирилган.

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа олиму шоирлар ижодида ҳам Хожа Аҳрорга бағишланган боблар бор. Турли хил “Мақомот”, “Маноқиб” ва “Тазкира”ларда ҳам Хожа Аҳрор фаолиятига бағишланган саҳифаларни кўриш мумкин. Бироқ Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган катта ҳажмли яхлит асарлар ҳам ёзилган. Бундай асарлар

сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Мир Абдул Аввалнинг “Масмуъот” (“Эшитилган сўзлар”) китоби. Унинг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Туркияда нашр қилинган. Мир Абдул Аввал Хожа Аҳрорнинг дўсти, кейинчалик эса куёви даражасига эришган.

2. Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифийн” ва тазкират ул-сиддиқийн” (“Орифлар силсиласи ва сиддиқлар ёдномаси”) китоби. Муҳаммад Қози Хожа Аҳрорнинг энг яқин муридларидан бўлиб, у билан ўн икки йил ёнма-ён яшаган. Бу асрда Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳар томонлама ёритиб берилган.

3. Фаҳруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (“Обиҳаёт томчилари”) китоби. Али Сафий ҳиротлик машҳур олим Ҳусайн воиз Кошифийнинг ўғли бўлиб, Хожа Аҳрорнинг руҳсати билан мазкур китобни ёзган. Бу асарда ҳам Хожа Аҳрорнинг фаолияти тўлиқ ёритилган. Бу асар форс тилида бўлиб, ўзбек, араб ва турк

Ҳар сўзки, зикрдин бошқа бўлса, лағвдир ва ҳар хомушликки, фикрдин ўзга бўлса, саҳвдир ва ҳар нарзарки, ибратсиз бўлса, лаҳвдир.

Хожа Аҳрор Валий

тилларига таржима қилинган. Унинг эски ўзбек тилидаги нусхаси 2003 йилда ва тўлдирилган нусхаси 2004 йилда Тошкентда нашр этилди.

4. Абдулхай ибн Абулфатҳ ал-Ҳусайнийнинг “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳ-рор” (“Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор насабномаси”) номли китоби. Бу асрда ҳам Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва унинг авлодлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Хожа Аҳрорнинг ўз қаламига мансуб асарларнинг ўзбекча таржимаси ҳамда у ҳақда ёзилган асарлардан намуналар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин томонидан нашрга тайёрланган. Мазкур асарларни ўрганиш ва тадқиқ этиш Хожа Аҳрорнинг ҳаёти, у яшаган жаврдаги сиёсий ва ижтимоий аҳволни ўрганишда катта аҳамиятга эга.



Манбалар:

1. Хожа Аҳрор Валий. “Рисолаи ҳаврийя”, рақами 507/1.
2. Хожа Аҳрор Валий. “Рисолаи волидийя”, рақами 507/III.
3. Хожа Аҳрор Валий. “Фақароту-л-орифийн”, рақами 507/II.
4. Муҳаммад Қози. “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”, рақами 8237/1.
5. Муҳаммад Қози. “Силсилату-л-орифийн ва тазкирату-с-сиддиқийн”, рақами 11413.
6. “Суханони Эшон Халифа Ниёзқули”. Тузувчи Назар Муҳаммад Бадахшоний. Рақами 79/II/ 7. “Маноқиб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”. Рақами 1883/IV.
8. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.

Мавжуда РАЗЗОҚОВА,

тарих фанлари номзоди, ЎзР ФА Шарқшунослик институти

ХОЖА АҲРОРНИНГ УСТОЗИ ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ

Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси Яъқуб ибн Усмон ибн Маҳмуд ал-Ҳазнавий, суммал-Чархий (ваф.1447)дир. У ўз даврининг кўзга кўринган шайхи ва етук олими эди. Фаҳруддин Али Сафийнинг ёзишича, Чархий ота-онаси билан Афғонистоннинг Ҳазна шаҳрида яшаб, сўнг шу шаҳарга тобе бўлган Чарх қишлоғига кўчиб келади. Дастлабки билимни Ҳазнада олади, сўнг Миср ва Ҳиротда давом эттиради. Кейинроқ эса Бухорога келиб, мадрасаларнинг бирида ўқийди. Талабалар қатори тез-тез Баҳоуддин Нақшбанд суҳбатида бўлади ва

яқин муридига айланади. Орадан йиллар ўтиб, нақшбандия тариқатининг пири-муршиди сифатида танилади.

Хожа Аҳрор Валий ёшлик йилларида Самарқанд ва Бухородан ўзини қониқтирадиган муносиб пир тополмайди. XV асрда Мовароуннаҳр-

да муршид сифатида ном қозонган шайх Низомиддин Хомуш эди. Хожа Аҳрор Низомиддин Хомуш билан яқин алоқада бўлгани, ҳатто уни Тошкентга, ўз уйига олиб келганига қарамай, нима учундир унга қўл бермайди.

Сўнг Ҳиротга боради ва бу ерда ҳам Мавлоно Баҳоуддин Умар ва Мавлоно Зайниддин Хавофий каби шайхларнинг суҳбатида бўлади, ammo уларни пир сифатида қабул қилмайди.

Хожа Аҳрор Валийнинг Мавлоно Яъқуб Чархий билан мулоқоти ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда қайд этилган. Шулардан бири Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг “Масмуъот” (“Эшитилган нарсалар”) асаридир. Мир Абдул Аввал Хожа Аҳрор Валийга ҳам дўст, ҳам куёв сифатида унинг барча сирларидан огоҳ эди. У Хожа Аҳрор Валийдан нимаики эшитган ва кўрган бўлса, “Масмуъот” китобига киритади.

“Масмуъот”да ёзилишича, Хожа Аҳрор Валий Яъқуб Чархий ҳузурига боради. Чархий уни катта илтифотлар билан кутиб олади ва Хожа Аҳрор Яъқуб Чархийга қўл беради — унга мурид бўлади.

Манбалар:

1. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.
2. Мир Абдул Аввал Нишопурий, “Масмуъот” (“Эшитилган сўзлар”).
3. “Маноқиб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”. ЎзР ФА шарқшунослик институти кўлэмалар фонди, рақами 1883/IV.



Имон Валерия ПОРОХОВА:

“ҲАММА ГАП ҚАНДАЙ

Узоқ йиллар тоторлар қўл остида яшаган, қўшни мусулмон давлатлар билан савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик қилиш тараққиётнинг асосий омили эканини яхши тушунган ўрисларда Пётр Биринчи давридан бошлаб Ислом динига қизиқиш анча кучайди. Бу эса Исломнинг бош манбаи — Қуръони карим маъноларини таржима қилиш, уни жиддий ўрганишга туртки бўлди.

1716 йилдаёқ подшоҳ Пётр Биринчи топшириғи билан Пётр Постников деган киши Қуръони карим маъноларини илк марта ўрис тилига ўгирди. Таржима ўша йили ва 1790 йили Санкт Петербургда икки марта чоп этилди. Бу таржимага Дю Рие арабчадан фаранг тилига ўгирган ва 1647 йили нашр этилган манба асос қилиб олинган эди. Кейинчалик М. Верёвкин, А. Қалмиқов, К. Николай, машҳур ўрис шоири А. Пушкин ҳам Қуръони карим маънолари-

ни англиз, фаранг тилларидан ўрисчага таржима қилишди ва икки жилд ҳолда нашр эттиришди. Аммо буларнинг барчаси бевосита араб тилидан ўгирилмагани учун шуҳрат топмади, оммалашмади.

Ўқ тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмига келиб, Русияда Қуръони мажид маъноларини арабчадан таржима қилишга киришилди. Бу вазифага биринчи бўлиб Д. Богуславский (1826-1893) қўл урди. У 1871 йилиёқ таржимани ниҳоясига етказган бўлса ҳам, нашр этишга мутассиб черков ижозат бермади. Таржима 1894 ва 1904 йиллари Қозонда босмадан чиқди. Кейинроқ Қозон Шарқ тиллари дорилфунуни ректори, асли миссионер бўлган шарқшунос Г. Саблуков (1804-1881) ва арабшунос академик И. Крачковскийлар ҳам Қуръон маъноларини арабчадан ўрисчага таржима қилишди. Саблуков таржимаси 1879, 1907 йилла-

ри, Крачковский таржимаси эса 1963 йили нашр этилди.

Йигирманчи аср охирига келиб, Қуръони карим маъноларининг яна бир ўрисча таржимаси пайдо бўлдики, бу ҳақда батафсилроқ тўхталишга тўғри келади. Уни ажойиб тақдирли инсон Валерия Михайловна Порохова назмий йўл билан ўгирди. Ислом ва фан оламида номи таниш бўлмаган бу аёлнинг “Қуръон маънолари таржимаси” китоби аввалига 20 минг нусхада чоп этилиб,

бир зумда тарқалиб кетди. Кейинчалик у бир неча бор катта нусхаларда босилиб чиқди ва ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам кенг ёйилди.

Таржимоннинг ҳаёт йўли ҳам қизиқ. Порохов деган қадимги ўрис дворянлари наслидан бўлган бу аёлнинг барча яқинлари Ўқтабр тўнтаришидан кейин юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган, қолганлари ўттизинчи йилларда “халқ душмани” сифатида таъқибга олинган. 1967 йили педагогика институтини битириб, англиз тили таржимони бўлган Валерия фалсафани ўрганишга қизиқиб қолди. Бу орада бир “бахтли тасодиф” унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. У олис Суриядан келиб, Масковда муҳандисликка ўқиётган Муҳаммад исмли араб йигити билан танишади. Кейинчалик унга турмушга чиқади ҳамда Ислом динини қабул қилади.

Муҳаммаднинг отаси шайх Саид ар-Рушд Яқин Шарқда машҳур уламо эди. Унинг Дайр-Атийдаги уйи диний адабиётларнинг ҳақиқий кутубхонасига айланган эди. Шайх ва унинг ўғли Валерияга Ислом асосларини тўла англашда, Қуръоннинг бепоён уммонига шўнғишда, мумтоз араб тилини пухта ўрганишда ҳартомонлама ёрдам беришди. Валерия Михайловна улар кўмагида Ат-Табарий, Ибн Касир ва бошқаларнинг тафсириларини ўрганди. Айниқ-

ган, чопганида чақмоқлар чақадиган, тонг пайтида бостириб борадиган, бас, ўшанда чанг-тўзон кўтариб, шу билан (душман) жамоасининг қоқ ўртасига кириб келадиган отлар” да (*Вал-Одиёт*) ядро ракеталари башорат қилинган дейди. Иккинчидан, Аллоҳнинг каломи назмий оҳангда бўлгани учун ҳам уни шеърий усул билан таржима қилишга қарор бердим. Унинг маъноларини тўла-роқ очиш учун қавс ичида изоҳлар беришга тўғри келди”.

га оширган Қуръони карим маъно таржималари, Қуръон тафсири ва Исо алайҳиссалом ҳақидаги Ислом таълимоти билан танишганимдан кейин менда Исломни қабул қилишим зарурлигига ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмади”.

Китоб тақдимотида тўпланганлардан бирининг “Сиз таржимон бўлибгина қолмай, Ислом таълимотининг даъватчисига ҳам айланиб қолмадингизми?” деган саволига Имон Валерия Порохова шундай жавоб берди:

БАНДАЛИК ҚИЛИШДА...”

са, машҳур аллома Юсуф Али тафсири ва унинг Қуръон маъноларини инглизчага қилган таржимаси (1983 йили АҚШда нашр этилган) унга қўл келди. Валерия Порохова таржима жараёнида Сурия бош муфтийи Аҳмад Кефтору ҳазратларидан, Саудия Арабистонининг Дамашқдаги элчихонасидан ҳам маслаҳатлар олиб турди. Имон Порохова шундай ҳикоя қилади:

“Қуръони карим маъноларининг назмий таржимасига киришувимга сабаб ўрис китобхони Қуръони каримнинг бемисл маъноларини, унинг беҳисоб мўъжизаларини ҳали англаб етолгани йўқ. И. Крачковский ва бошқа шарқшунослар таржимасини камситмаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, йирик мусулмон олимлари эътироф этишганидай, Қуръон маънолари бепоён уммон каби ҳамиша ўзига жалб этади. Масалан, эрим Муҳаммад “**ҳарсиллаб чопадиган,**

Имон Валерия Порохова 1991 йили Қуръони каримдан етмиш бешта сура маъноларини ўрис тилида чоп эттирди ва беш йиллик тинимсиз меҳнат, жиддий изланишлар маҳсули бўлган бу нашр катта қизиқиш уйғотди. Орадан бир йил ўтиб, саксон беш сурани қамраган иккинчи нашри юз минг нусхада тарқалди. 1994 йили Қуръони карим маъноларининг тўла назмий таржимаси юз минглаб нусхада бутун мамлакатда, ҳатто хорижий ўлкаларда ҳам ёйилди.

Аввалда ўрис православ черковида катта вазифада ишлаган, 1999 йили Исломни қабул қилган фалсафа фанлари доктори Али Вячеслав Полосин шундай ёзади: “Исломнинг асл таълимотини мен у пайтда билмасдим. Қуръоннинг Крачковский таржимаси эса, Аллоҳ Китобининг маъноларини тушунарсиз қилиб ташлаган эди. Ниҳоят, Имон Валерия Порохова амал-

“Мен диний ходим ҳам, илоҳиёт профессори ҳам эмасман. Бунинг устига, аёлман. Қуръон маъноларини англаш йўлида туну кун қилган тинимсиз меҳнатим жараёнида Ислом моҳиятини чуқур тушуниб етдим, унинг ўғитларига менда муҳаббат пайдо бўлди ва Исломнинг чинакам тарғиботчисига айландим. Файримуслим доираларда юрадиган нотўғри қарашлардан фарқли ўлароқ, Қуръони карим Исломга куч билан киритишни талаб қилмайди, бошқа динларнинг мавжудлигини тан олади. Чунки Аллоҳ ягонадир, гап сенинг Унга қандай бандалик, кулик қилишингда холос! Менинг бу камтарона меҳнатим инсонларга Ислом динининг туб моҳиятини англашишда, динлар ва миллатлар ўртасида ҳамкорликда кўмаклашса, бошим кўкка етган бўлур эди”.

Аҳмад МУҲАММАД



Абдуллоҳ ҳожи АБДУЛҚОДИР

Ҳақдан инсоф тилайлик

Гўдаклар кўз ёши

Ароқ ичган одамнинг ори бўлмас,
Топганин ичар, ҳамёни тўлмас.
Ҳисоблагай ўзини оқилу доно,
Ўзгалар пандини қулоққа олмас.

Кечаси маст бўлиб келса уйига
Хотуну болалар даҳшатдан ҳайрон.
Гўё қуш уяси, неча полапон
Чирқирар, қаршида заҳарли илон.

Маст кишининг феълин айтсам, одамлар,
Баъзилар йиғлагай, баъзилар кулар.
Ҳаттоки ношаръий, ҳаром қилиғин
Сўз билан айтмоққа одам уялар.

Мастликнинг дастидан неча гўдаклар
Ота-онасидан бевақт айрилар.
Гўдаклар кўз ёши, оху ноласи,
Ҳар қандай одамнинг юрагин эзар.

Қанийди ҳеч киши ичмаса ароқ,
Бу заҳри қотилга боқмаса мутлоқ.
Тавба қилса агар банда чинакам,
Раҳмати кенг эрур, кечирур Эгам.



Оналар қадамин остида жаннат

Вожаб, тўққиз ой она бечора
Кўксида парча эт, тақдир, начора...
Кўз ёриш палласи, қисмат на бўлғай,
Ё шаҳид кетажак, ё омон қолғай.

Оналар гўдакка жон этар нисор,
Кўздан нур, юракдан қон этар нисор,
Тарбият қилсам деб тунлари бедор.
Фароғат ўрнига заҳматлар чекар.

Онанинг кўксида гўдак кулса, бас,
Онанинг қувончи оламга сиғмас.
Ширин хаёллару орзулар бисёр
Аллоҳдан тилағай такрор ва такрор.

Қарангки, орадан ўтди кўп замон,
Болалар улғайиб, авжи навқирон.
Кексайган оналар нимжон-ногирон,
Талпиниб болам дер, болам дер ҳамон.

Шунинг-чун дедилар Пайғамбар ҳазрат:
“Оналар қадамин остида жаннат”.
Эй фарзанд, онангга таъзим қил минг бор,
Онанг рози бўлса, сенга Аллоҳ ёр.




Савол устига савол

Ўтмиш ота-боболар,
Ширин сўзли момолар
Ризқин топди ҳалолдан,
Қўлин тортди ҳаромдан.
Ҳатто неча куну ой,
Бир бурда нон тополмай,
Қилиб сабру қаноат,
Айлаб Ҳаққа ибодат
Муддаога етдилар,
Имон билан кетдилар.
Ватанни севмоқни ҳам
Жондан азиз дедилар.
Одобу шарму ҳаё
Инсонга хос дедилар.
Аммо... букун қандай ҳол?
Савол устига савол...

Юртимиз неъматга кон,
Тўкин-сочин дастурхон,
Элимиз тинч, Ватан тинч,
Севинч устига севинч.
Боболар қилган дуо
Бугун айни муддао.
Аммо баъзи одамлар
Тўқликка шўхлик қилар.
Шариатни менсимамай,
Аллоҳ амрини қилмай,
Баъзилар йўлдан тойди —
“Сууюқоёқ” кўпайди.
Алҳазар, бу қандай ҳол?
Имон топмоқда завол!
Мол-дунё ҳирсига қул,
Бойлик тўпламоқ учун,
Баъзи очкўз ва нодон
Чўчқа боқмоқда ҳамон.

Тўйларда ичиб ароқ
Баъзилар кайфи тароқ,
Ўртада қиз-жувонлар,
Эсиз, заиф имонлар...
Мастлик билан баъзилар
Отага қўл кўтарди.
Уялмайин бўзрайиб,
Онага қўл кўтарди.
Ҳатто баъзи одамлар
Қилмишини айтсам гар,
Ўкинч билан дегайсиз
Бундайлардан алҳазар.
Келинг, дўстлар, азизлар,
Дуога қўл очайлик.
Адашган кимсаларга
Ҳақдан инсоф тилайлик
Дейди ҳожи Абдуллоҳ
Айтиб астағфируллоҳ...

ИМОМ АБУ ЮСУФ



Имом Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳижрий 113, милодий 735 йилда Ироқнинг Куфа шаҳрида таваллуд топганлар. Асл исмлари Яъқуб ибн Иброҳим, Юсуф исмли ўғиллари бўлган.

Али ибн Жаъд айтадилар: “Менга Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ ўзлари ҳикоя қилиб берганлар: “Отам сағирлик чоғимда вафот қилганлар. Онам мени қассорга (кийим тозаловчига) шоғирд қилиб берганлар. Ишга бориш йўлимда устозим Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) бир халқага дарс берар эдилар. Мен доимо ўша халқага қўшилиб ўтириб, бирга дарс эшитар эдим. Онам, Аллоҳ раҳмат қилсин, бир неча бор қўлимдан тортиб, ҳунармандга олиб борар эдилар. Бу ҳолат бир неча бор такрор бўлгач, бир кун онам устозим қошига келиб: “Сиз боламни ишдан қўйяпсиз. Бу боланинг отаси йўқ, ип йигириб, зўрға кун кечирамиз. Унинг касб ўрганиши жуда зарур”, деб нолидилар. Устозим онамнинг сўзларини тинглагач, шундай хитоб қилдилар: “Эй Раъно, ўғлингиз илм оляпти, у келажакда насиб этса, феруза товоқда фустук ёғли (қимматбахо ўсимлик ёғи) холва ейди”. Онам бу сўзларни эшитиб, у

подшоҳлар дастурхонидаги таом бўлса, бу етимга йўл бўлсин, дея устозим сўзларидан кулдилар.

Замонлар ўтиб, қозиларнинг қозиси деган шарафли мансабга мушарраф бўлдим. Кунлардан бир кун халифа Хорун ар-Рашид хузурда ўтирган эдим, феруза товоқда фустук

ёғида тайёрланган холва келтирилди. Халифа менга қараб: “Эй қози, бу холвадан энг, бу ҳамма вақт бўладиган таом эмас”, деди. Шунда мен табассум қилдим. Халифа бу ҳолатдан ажабланиб, боисини сўрадилар. Мен эса шундай ўзим, деб қўя қолдим. Аммо халифа қистайвергач, болаликда онам билан устозим ўртасида бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердим. Халифа ҳайратланиб: Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ кўзлари билан кўриш имкони йўқ нарсани ақл кўзлари билан кўрар эдилар”, деди”.

“Китоби сиқот”да Ибн Ҳиббон айтадилар:

“Абу Юсуф улугъ шайх, тақводор фақиҳ, олим, ҳофиз эдилар. Ҳадис илмида таниқли, суннат соҳиби эдилар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтадилар:

“Ҳадис ўрганиш учун аввал қози Абу Юсуфга бордим, сўнгра бошқалардан ўргандим”.

Довуд ибн Рушайд айтадилар:

“Имом Абу Юсуф имом Абу Ҳанифа билан ўн етти йил бирга бўлдилар, у кишидан ҳаргиз ажралмадилар. Имом суҳбатларидан бирор масалани

эшитмай қолишдан, илм бобида ҳасратда қолишдан қўрқиб, касаллик пайтида, ҳатто фарзандларидан бирови вафот этиб қолганида дафн маросимини қўшнилари ва яқинларига ташлаб, ўзлари ҳозир бўлмадилар”.

Талҳа ибн Муҳаммад айтадилар:

“Абу Юсуф ишлари машҳур, фазллари очиқ, илмда, ҳукмда, раисликда камолга етган, фикҳда ҳанафий мазҳаби асосидаги китобларни биринчи бўлиб йўлга қўйган, масалаларни ёзган ва Абу Ҳанифа илмларини ер юзига тарқатган зот эдилар”.

Муҳаммад ибн Самоа айтадилар:

«Абу Юсуф қозиликка тайин бўлганларидан сўнг кунда икки юз ракат намоз ўқир эдилар”.

Муҳаммад ибн Соҳиб айтадилар:

“Абу Юсуф солиҳ киши бўлиб, кўпинча рўздор эдилар. Абу Юсуф Ислолда биринчи “қозиул-кузот” унвони билан шарафланган зотдир. Абу Юсуфдан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Бишир ибн Валид, Яҳё ибн Муъин, Али ибн Жаъд, Али ибн Муслим, Тусий, Амр ибн Абу Амир ва бошқа кўплаб олимлар таҳсил олдилар”.

Имом Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳижрий 182, милодий 804 йилда олтмиш тўққиз ёшларида вафот қилдилар. Юсуф исмли ўғиллари ўрнларига қозилик лавозимига ўтирди.

Имомиддин ибн Касирнинг “Ал-бидоя ван-ниҳоя”, Абдурахмон ибн Абдуллоҳ Марғинонийнинг “Тасхили зарурийн” асарлари асосида
Нуруллоҳ ХОЛМИРЗА ўғли
тайёрлади.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ, тарих фанлари доктори,
Фулом КАРИМОВ, илмий ходим,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МАКТУБЛАРИ

Тасаввуфнинг хожагон-нақшбандия тариқати замирида мавжуд бўлган меҳнатсеварлик, одамийлик адолатпешалик ғоялари XV аср иккинчи ярмига келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак ривож топди. Бунда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳиссаси жуда каттадир.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатган бу тарихий-маънавий жараён XV ва XVI аср бошларида ёзилган бир қанча тасаввуфий-биографик асарлар, тариқат раҳбарлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқалар томонидан темурийлар давлатининг Ҳиротдаги саройига йўлланган хатларида ҳам акс этган. Биз бу ўринда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Мажмуа-йи мурсалот” ёки унинг тузувчиси номи билан “Навоий мураққаби” деб номланиб келаётган дастхат-қўлёзма мактублар тўпламини назарда тутишимиз (қўлёзма рақами 2178).

Тўплам Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган ўн олти муаллифнинг 594 дона қўлёзма руқъаларини жамлаган. Улардан бир юз йигирма саккиз донаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб ва унинг имзоларига эга.

Хатларнинг аксари мутафаккир адиб, буюк давлат арбоби бўлмиш Алишер Навоийга, Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқарога (1469 — 1506), қисман эса баъзи бошқа сарой амалдорларига йўлланган. Улар дастхат ҳолида бир нусхада Ҳиротдаги “Китобхонаи олий”да сақланган. Алишер Навоийнинг ташаббуси ва буйруғи билан жамланиб, тўплам шаклига келтирилган.

Мазмун жиҳатдан руқъаларни уч туркумга бўлиб шарҳлаш мумкин: биринчиси — Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган темурий ҳукмдорлар, чунончи, Бадахшон ҳокими Султон Маҳмуд (1459 — 1494), Мовароуннаҳр ҳокими Султон Аҳмад (1468 — 1493) ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаролар орасидаги сиёсий, ҳудудий муносабатларга доир хатлар. Уларда Хожа Аҳрор темурий шаҳзодалар олдида ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, урушлар туфайли аҳолининг жону молига зарар етказмаслик каби талабларни қўяди ва бунга амалга оширишни Алишер Навоийдан илтимос қилади.

Иккинчи туркум хатларда эса Хожа Аҳрор шариат қонун-қоидаларини мустаҳкамлаш ва бу орқали мамлакатда адолат ўрнатиш, мусулмонларга, яъни, оддий райятга жабр-зулм ет-

казишдан зolimлар қўлини қисқа қилиш каби фикрларни ифодалайди, баъзан эса адолатсизликка учраган бирор жабрдийданинг аниқ номи айтиб, ёрдам кўрсатишни сўрайди.

Учинчи туркум хатларга келсак, улар Хожа Аҳрор ва унинг яқин муридларининг Хуросон ҳудудида олиб борган хусусий хўжалик ҳамда савдо-сотик ишларига ва шулар билан боғлиқ солиқ-йиғинлар масаласига оиддир. Бу хатларда Хожа Аҳрор ўз даврининг йирик ер-сув, мол-мулк эгаси сифатида гавдаланади, ўзининг ва яқин кишиларининг манфаатлари Хуросонда ҳам ҳимоя қилинишига интилади. Аммо, айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги хатлар орасида ҳам баъзан оддий адолатталаб кишилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган илтимослар учраб туради.

“Рашаҳоту айнил-ҳаёт” муаллифи Фаҳруддин Али Сафий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Ҳазрат Абдухолиқ Фиждувоний буюрмишларки, халқ гарданидан оғирликни кўтариш керак, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади: “Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан” шиори хожагон тариқатида муқаррардир”.

“Силсилат ул-орифин” асарининг муаллифи Муҳаммад Қозининг айтишича, мазкур ғояни давом эттириб, уни амалда қўллаш учун Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор: “Мусулмонлар бошидан жабр-зулмни дафъ этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлиги” нақшбандия тариқати аҳлининг вазифаларидан, деб уқтиради.

Хуллас, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқа тасаввуф аҳлининг “Мажмуа-йи мурсалот”да жамланган қўлёзма мактублари XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавжуд маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари, ўғиллари ва куёвлари томонидан темурийларнинг Ҳирот саройига ёзилган руқъалар “Мажмуа-йи мурсалот” асосида (258 дона хат) 2002 йили Холландадаги “Брилл” нашриётида чоп этилди. Бу нашр руқъаларнинг қўлёзма ҳолидаги факсимил нашри, замонавий терма матни, инглизча таржимаси ва тадқиқотлардан иборат бўлиб, бу нодир нусхаларни дунё фанига тақдим этади.

Манбалар:

1. “Мажмуа-и мурсалот” ЎзР. ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган XV асрда оид хатлар тўплами, рақами 2178.
2. Алишер Навоий. “Насоим ул-муҳаббат”. ЎзР. ФА Шарқшунослик институти, рақами 857.
3. Муҳаммад Қози. “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқийн”, ЎзФА Шарқшунослик институти, рақами 11413.
4. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004.
5. Асомиддин Ўринбоев, Жо Анн Гресс. “Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари мактублари”, Холландия, “Брилл” нашриёти (инглиз тилида), 2002 й.

Баҳриддин УМРЗОҚОВ, илмий ходим,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ АВЛОДЛАРИ



Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор 25 ёшларида уйланган ва бу никоҳ ул зот отасининг хоҳиши билан бўлган. Отаси уни ўз биродарининг қизига уйлантирган. “Рашаҳот”да бунга ишора қилинган, қайси биродарининг қизи экани эса айтилмаган.

Хожа Аҳрор икки бор уйланган: биринчисидан Муҳаммад Абдуллоҳ исмли ўғли бўлган, иккинчисидан Муҳаммад Яҳё ва икки қиз туғилгани нақл қилинган.

1. Муҳаммад Абдуллоҳнинг тўлиқ исми — Шамсиддин Муҳаммад Абдуллоҳ бўлиб, у “Хожаи Калон” номи билан машҳур бўлган. У Шайх Абу Лайс Самарқандийнинг шогирди эди. “Жомиъас-саҳиҳ”дан дарс ўқитарди. Хожа Аҳрор нодир илм эгаларидан бири бўлган бу ўғлини кўп ҳурмат этар, гоҳида у билан тафсирхонлик ҳам қиларди. “Бундай ўғил камдан-кам кишиларда бўлур”, дерди. Шайбонийхон Самарқандни эгаллаганида, Хожаи Калон Андижонга борган ва ҳижрий 908 йили ўша ерда вафот этган. Андижонда дафн қилинган.

Унинг ўндан ошиқ фарзанди бўлган. Биринчи хотини Кирмон саййидларидан Мир Тақийуддин Кирмонийнинг қизи бўлиб, бу никоҳдан беш фарзанд туғилган. Абдул Ҳодий, Хованд Маҳмуд, Абдулҳаққ, Оғо Махтум (қиз), Зайнаб Султон Оғо (қиз). “Рашаҳот” ва “Насабномаи Хожа Аҳрор” маълумоти бу ҳақда бир хилдир, фақат “Рашаҳот”да бу фарзандларининг исмлари келтирилмаган, холос.

Биринчи хотини вафотидан кейин Хожа Низомуддин Шайхулисломнинг қизига уйланган ва бу никоҳдан ўч ўғил ва икки қиз фарзанд бўлган: Абдул Алим, Абдуш Шаҳид, Абдул Файз, Бегим Оғо (қиз), Хонзода Бегим (қиз).

Хожаи Калоннинг учинчи хотинидан (у турк табор эди, дейилган) бир ўғил — Муҳаммад Юсуф исмли фарзанди бўлган.

2. Муҳаммад Яҳёнинг фарзандлари. Муҳаммад Яҳё Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг иккинчи ўғлидир. Бу зот «Хожаи Хурд» номи билан маш-

ҳур эди, — деб ёзган Али Сафий Муҳаммад Яҳёни бундай таърифлайди: «Ул Ҳазрати Эшонга бағоят мақбул ва маҳбуб эрди. Охири ҳаётларида Ҳазрати Эшон Муҳаммад Яҳёга васийлик-ҳомийликларини бердилар. Агар Хожаи Калонга нисбатан илмийга голиб бўлса, Хожаи Хурдда жазба нисбати голиб эрди».

Али Сафийнинг ёзишича, Хожаи Хурд Хожа Аҳрор ҳазратни акаси Хожаи Калондан қизғонган. Шу боис улар тез-тез аразлашар экан.

Хожа Аҳрор вафотидан сўнг, Шайбонийхон Самарқандни истило қилганидан кейин Хожа Убайдуллоҳнинг барча мол-мулк, ерларини, асбобу амлоқларни у тасарруфига киргизди. Хожа Яҳё ўз яқинлари билан қочишни раво кўрмади. 1500 йилда (х. 906) Шайбонийхон Муҳаммад Яҳёга Хуросон сафарига ижозат беради. Муҳаммад Яҳё аҳлу аёл фарзанду мулозимлари билан Хуросонга йўл олади. Тоткент яқинида, Кабароб қишлоғида муҳаррамнинг ўн бешинчи куни 300 отлиқ уларни қувиб етади ва Муҳаммад Яҳёни, унинг икки фарзанди — Хожа Маҳмуд Закариё ва Хожа Абдул Боқийни қатл қилишади. Қолган яқинларини эса Самарқандга юбордилар. Муҳаммад Яҳё ва ўғилларининг жасади Самарқандга келтирилади ва Муҳавватаи Муллаёнда Ҳазрати Хожа Аҳрор қабри яқинига дафн қилинади.

Муҳаммад Яҳё Султон Абу Саъид Мирзонинг амирларидан Мир Муҳаммад Арғунинг қизига уйланган эди. Бу никоҳдан уч ўғил ва икки қиз фарзанд кўрган: Муҳаммад

Закариё, Абдул Боқий, Муҳаммад Амин ва икки қиз.

Муҳаммад Закариё ва Абдул Боқий Хожа Аҳрорнинг суҳбатига етишган эдилар. Ҳар иккиси оталари билан шаҳид бўлган. Муҳаммад Амин узок умр кўрган. Уни Бобур Мирзо ўзи билан олдин Кобулга, кейин эса Ҳиндистонга олиб кетган.

3. Хожа Аҳрорнинг қизлари.

Катта қизи Мир Абдуллоҳга никоҳланган эди. Бу никоҳдан фарзанд бўлмаган. Кичик қизи Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг никоҳида бўлган. Мир Абдул Аввал “Масмуъот”нинг муаллифидир. Кичик қизи тўрт нафар фарзанд кўрган. Хожа Қаййум Калон, Хожа Мир Миён, Хожа Мир Хурд ва бир қиз. Бу қиз Муҳаммад Яҳёнинг ўғли Хожа Абдул Боқийнинг никоҳида бўлган.

Манбалар:

1. Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Хусайний, “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”, ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, рақами 526/1. 2. Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т. «Абу али Ибн Сино», 2004. Алишер Навоий. “Мажолисун-нафоис”. 3. “Бобурнома”. 4. “Тухфаи кудсия”. 5. Насамотул-қудс”. 6. “Тарихи Рашидий”. 8. “Мақомоти Жомий”. 9. “Ламаҳот мин нафаҳотил-қудс”.

ҚОРИЛАР ВАТАНИДА ЎН УЧ КУН



Қоҳира. Ал-Азҳар дорулфунуни кутубхонаси

“Кўкалдош” Ислom ўрта-махсус билим юртининг уч талабаси қориларнинг халқаро танловларида муваффақиятли иштирок этишиди. Ҳамидуллоҳ Абдубанно ўғли Турғунов сентябр ойида Саудия Арабистонида бўлган жаҳон қорилари мусобақасида саксон олти мамлакат вакиллари ичида фахрли учинчи ўринни олиб қайтган эди. Яна икки талаба — Абдуносир Муртазохон ўғли Ортиққориев ва Абдусамеъ Абдуллоҳ ўғли Исроилов Рамазон ойининг иккинчи ярмида Мисрда ўтган танловда икки минг қори ичида саккизинчи ўринга муносиб кўрилди. Қуйида Абдуносир қорининг сафар таассуротлари билан танишасиз:

— Миср пойтахти Қоҳирада бўлиб ўтган жаҳон қорилари мусобақасида Ўзбекистондан икки киши иштирок этиб, саккизинчи ўринни олдик. Қуръон бўйича ҳар кимга берилган саккизта саволнинг олти тасига жавоб қайтардим. Қуръони каримни ҳифз қилиш, ўрганиш, савт ва тажвид билан ўқишда Миср қорилари жуда машҳурдирлар. Мусобақада етакчи ўринларни мисрлик қорилар ва ҳофизлар эгаллагани бежиз эмас. Бунинг устига, Миср довуғи оламга кетган Муҳаммад Сиддиқ Миншовий, Маҳмуд Халил Хусарий, Иброҳим Салом, Мустафо Исмоил, Маҳмуд Али Банно, Муҳаммад Жибрил, Абдулбосит Абдуссомад каби ўнлаб қорилар ва ҳофизларнинг ватани ҳамдир. Қолаверса, мусобақада муваффақиятли қатнашган Малайзия давлати ҳам қорилар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиқиб олди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир йигирма тўрт милёндан ортиқроқ аҳоли яшайдиган бу мам-

лакатда ўн мингдан зиёд мураттаб қори бор экан. Малайзиядаги минг-минглаб масжидлар қошидаги қорихоналардан ташқари Қуръон ўрганишга мўлжалланган яна беш мингта билим юрти ҳам ишлаб турибди...

Ўн уч кун мобайнида мусобақада қатнашиб, жаҳондаги номи чиққан қори ва ҳофизларнинг тиловатларини тингладик, Қуръони карим бўйича савол-жавобларнинг шоҳиди бўлдик, Мисрда Қуръон ҳофизлари, қорилари, ҳомилларини тайёрлаш тажрибасини ўргандик.

Қорилар Мисрда жамиятнинг энг имтиёзли тоифаси ҳисобланар экан. Мусобақа қатнашчиларини Қоҳирадаги муҳташам “Дорул мударраёт” меҳмонхонасига жойлаштиришди. Кейин эшитишимизча, бу меҳмонхонага асосан олий мартабали ҳарбийлар қўнишар экан. Унинг хизматчиларидан бири ярми ҳазил, ярми чин қилиб: “Кўрдинларми, қориларни қанчалик авайлашимизни, энг куч-

ли ҳимояланган мусофирхонада, олий унвонли зобитлар қуршовида асраймиз”, деди.

Қоҳирада алоҳида қорилар маҳалласи борлигини эшитиб ҳайратга тушдик. Маълум бўлишича, юзлаб хонадон жойлашган бу маҳаллада фақат қориларга қиз узатилиб, қориярдан келин олинар экан. Уларга эса, ўз навбатида, болаларига ҳам Қуръонни тўла ёдлатишлари шарт қилиб қўйилар экан.

Диний ўқув юртларида битирувчиларга Қуръони каримни тўла ёд олганларидан кейингина шаҳодатнома берилишини эшитиб, яна лол қолдик. Қорилар ва ҳофизларга билим даргоҳларига кириб ўқишда алоҳида имтиёз берилар экан.

Қоҳира кўчаларида олти-етти ёшли болакайларни тўхтатиб: “Қуръон ёдлаганмисан?” деб сўраймиз. Улар: “Ҳа” деб бош силкийди. Ўзимизча “Кичик сураларни, нари борса “Амма” порасини ёдлагандир-да”, деган ҳаёлда: “Қанча ёдлагансан?” деб савол берамиз. Уларнинг ҳеч иккиланмай айтган: “Куллун”

(ҳаммасини) деган жавобидан қувониб кетамиз.

Мусобақада қатнашган мисрлик қорилардан бирининг ҳикоясига кўра, унинг беш ёшли ўғли бугун-эрта Қуръонни тўла хатм қилиб кўтариш олдида экан. Шу ёшдаги болага Қуръонни тўла ёдлатганига қойил қолиб, тажрибаларини суриштирдик. Унинг айтишича, аёли билан никоҳдан ўтибоқ келинга Қуръон суралари ёзилган магнит кассетасини эшитишга мўлжалланган мослама (плеер) совға қилган экан. Келин бола ўша кундан бошлаб юрса ҳам, турса ҳам, рўзғор юмушларини бажараётганида ҳам қулоғидан ана шу мосламани олмаган. Ҳомиласи Қуръон оятлари садоси остида ривожланиб борган. Кейин чақалоқни ҳам Қуръон тиловат қилиб ўтириб, эмизган. Ҳеч бўлмаса, Қуръони каримни очиб ўтирган. Қуръондан ана шундай руҳий-маънавий озуқаланиб улғайган боланинг ҳифз қилиши жуда осон кечар экан. Икки-уч марта ўқитилиши билан ёд бўлиб қолаверар экан.

“Албатта, бўлажак қориларнинг озуқаси ҳалол, ҳалқуми пок бўлишига катта эътибор қилиш керак”, деди мисрлик танишимиз. Шунда устозим Абдуллоҳ қорининг: “Қори энг аввало, жисмонан ва маънан тоза-пок бўлиши, кейин Аллоҳнинг китобига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши керак”, деган ўғитлари ёдимга тушди. Хуллас, Миср сафаридан бой таассуротлар, ўрганишга арзирли тажрибалар билан қайтдик.

Аҳмад ТУРСУН
ёзиб олди.

ТИРНОҚЛАРНИ БЎЯШ МУМКИНМИ?

Аёллар қаерда таҳорат қиладилар?

Эркаклар ҳар тоза жойда таҳорат олаверадилар. Аммо аёллар номаҳрам кўзи тушмайдиган жойда таҳорат оладилар ва бу ишлари билан Ислоннинг тўсилиш ҳақидаги амрини бажарган бўладилар.

Тирноқ бўялган бўлса, таҳорат дуруст бўладими?

Таҳорат комил бўлиши учун ювиладиган аъзоларнинг ҳамма жойига сув етиши керак. Ювилиши лозим аъзоларда сув етишига тўсиқ бўладиган лаб бўёғи, тирноқ бўёғи, ёғ, сақич каби нарсалар бўлса, таҳорат ҳисоб бўлмайди (“*Fetava-i Hindiyye*”: 1/84; “*Nimet-i Islam*”: 45).

Улама соч устидан масҳ тортиш жоизми?

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Ясама соч таққанга ва тақтирганга, баданга чизганга ва чиздирганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!” (“*Tuhfetu'l Ahvezi*”: 8/68).

Улама соч тақиш жоҳилият давридан қолган ёмон одатдир. Ясама соч асл соч бўлмаганидан, унинг устидан масҳ тортиш бошга масҳ тортиш ўрнига ўтмайди.

Пайпоқли ҳолда таҳорат олиш мумкинми?

Таҳорат фарзларидан бири оёқларни ювишдир. Бирор зарурат туфайли аёлнинг пайпоқли ҳолда оёқларини ювиб,

таҳорат олиш жоиз. Ҳанафий мазҳабида оёқнинг тўпиқдан пасти аврат ҳисобланмагани учун пайпоқни ечиб, оёқни ювиш лозим. Шундай бўлса-да, аёлнинг оёғига қасддан қараган киши гуноҳқор бўлади (“*Gunumiz Mes’elelerine Fetvalar*”: 2/27).

Кўкрак ва қулоқдан келган қон таҳоратни бузадими?

Бирор хасталик туфайли кўздан оққан сув ёки кўзнинг сувланиши, кўкрак, қулоқ каби аъзолардан қон, йиринг каби суюқликларнинг оқиб чиқиши таҳоратни бузади (“*Bilmen. “Islam ilmihali*”: 66).

Рўмол устидан масҳ тортиш жоизми?

Аёлнинг сочини номаҳрамлар кўриши эҳтимоли бўлса, остига бемалол сув ўтказадиган даражада юпқа рўмол устидан масҳ тортиш жоиз (“*Fetava-i Hindiye*” 1/9).

Соч бўёғи ва соч мойи ғуслга монелик қиладими?

Агар бўёқ соч толалари устидан қатлам ташкил қилса, ғуслга монедир. Доришуносларнинг фикрича, соч толалари устидан соч бўёғи қатлам ҳосил қилади. Шу сабабли соч бўёғининг ғуслга монелик бўлиши исбот этилган. Хинадан бошқа барча бўёқлар қатлам ҳосил қилгани сабабли уларни қўллаш жоиз эмас. Соч мойи ҳам соч тагига сув етмайдиган даражада қалин сурилса, ғуслга монелик бўлади.

КИЧКИНА УМАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

Учинчи ҳикоя

Боғдаги ариқ хас-ҳашаклар билан тўлибди. Ёмғир суви тошиб, одамларга ҳалақит бермасин деб белкурак олиб, ариқни тозалай бошладим. Ишни энди тугатаман деб турсам, ахлат уюми ичида ялтироқ нарсага кўзим тушди. Қўлимга олдим-у, ҳаяжондан: “Ойи! Ойи!” деб бақириб юборганимни ҳам билмай қолдим. Ялтироқ нарса анча олдин ойим йўқотиб қўйган тилла билагузук эди. Ойим хавотирланиб, югуриб чиқдилар ва лойга беланган билагузукни кўриб, жуда севиндилар. Чунки отам тўйларида совға қилган билагузук, унинг топилишидан умид узган эдилар. Онам мени меҳр билан кучоқлаб:

— Болам, буни қаердан топдинг? — деб сўрадилар.

Мен воқеани онамга айтиб бердим. Бу орада ичкаридан отам чиқиб келдилар.

— Ҳа, ўғлим, нима бўлди? — дея берган саволларига онам қўлларигадаги билагузукни кўрсатдилар. Шошиб қолган отам ҳам хурсанд бўлиб:

— Ие, йўқолган билагузук-ку! — дедилар.

— Ҳа, Умар боғдаги ариқни тозалаётиб, хас-ҳашак ичидан топиб олибди. Аллоҳга шукрлар бўлсин! Ҳар нарсага қодир Парвардигор бандалари учун жуда улуг лутф-марҳаматларни яшириб қўйган. Ҳалол мол эгасини ҳеч қачон уялтириб, ғам-қайғуда қолдирмайди.

— Тўғри айтасан, онаси, ҳалолдан келган нарса эртамикеч барибир эгасига қайтади. Бу ҳақиқат китобларда жуда чиройли бир ҳикоя орқали тушунтириб берилган.

Отамнинг бу гаплари диққатимни тортди ва ўша ҳикояни менга ҳам айтиб беришларини илтимос қилдим.

— Майли, лекин намоз вақти яқинлашиб қолди. Аввал намозни ўқиймиз, сўнг бафуржа ўтириб айтиб бераман. Унгача Зайнаб ҳам келади ва ҳикояни у ҳам эшитади, — дедилар отам.

Отам намозни масжидда ўқишга ҳаракат қилар эдилар. Мени ҳам шунга ундардилар. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидда жамоат билан ўқилган намознинг савобини якка ҳолда ўқилган намоздан йигирма етти баробар кўп бўлишини айтганлар.

Масжиддан қайтгач, сабр-сизлик билан отамнинг ҳикояларини кута бошладим. Отам ҳам бизни ортиқча куттирмай, ҳикояни бошладилар:

— Бир замонлар бир савдогар бор эди. У ҳеч қачон бировнинг ҳаққига хиёнат қилмас, ҳалол тижорат билан тирикчилигини ўтказар, топганини хайрли ишларга сарфлар эди. Шу боис одамлар унга ишоничар эди.

Йиллар ўтиб, савдогар жуда бойиб кетди. Албатта, унинг бойишида гўзал ахлоқи кўп ёрдамчи бўлди. Лекин Аллоҳ тало қулларини вақти-вақти билан имтиҳон қилиб туради. Бандалари эга бўлиб турган нарсалардан уларни маҳрум этиб, холис қулларини синайди.

Кунлардан бир кун савдогарнинг тижорати касодга учраб, бор-будидан ажрабди. Хурсандчилик ўрнини оғир кунлар эгаллабди, на ейишга нони, на бир бошпанаси қолибди. Лекин савдогар ўзини йўқотиб қўймабди. Бу нарса Аллоҳнинг синови

эканини билиб, “Бу вазиятдан яна тинимсиз ишлаб, ғайрат кўрсатсам, қутулиб кетишим мумкин. Ҳеч нарса қилмай, хафа бўлиб ўтиришнинг фойдаси йўқ”, дея ўйлабди.

Эртаси кун эрта тонгда у эски бир танишининг олдига борибди ва ундан қарзга бир ҳамён олтин бериб туришини сўрабди. Дўсти уни яхши кутиб олиб, шундай дебди:

«Дўстим, мен сени жуда яхши танийман ва сенга ишонаман. Лекин ўзингга маълумки, ҳисобли дўст айрилмас. Шу сабабли мендан олаётган бу қарзингга бир гувоҳ тайин қилсанг.

Савдогар ишонч билан:

«Ўртамиздаги бу келишувга Аллоҳ гувоҳдир», дебди.

«Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳид, лекин сенга бераётганим бу бир ҳамён олтин учун биронта кишини гувоҳ қилиб келтиришинг лозим.

Савдогар эса сўзида қатъий туриб:

«Сен билан менинг орамиздаги бу келишувга фақат Аллоҳ гувоҳдир», дебди.

Савдогарнинг қатъияти ва самимиятини кўрган дўсти бир ҳамён олтинни олиб чиқиб, унга берибди ва:

«Ма, ол! Майли сен айтганиндай бўлсин, ўртамизда Аллоҳ гувоҳ. Иншааллоҳ, Унинг



Ўзи ишининг ривожини ва баракотини беради», дея савдогарга омад тилабди.

Ҳар иккалалари келишиб, қарзни қайтариш муддатини бир ой қилиб белгилашибди. Савдогар вақтни кеткизмай, дарҳол ишга киришибди. Дўсти билан хайрлашганидан сўнг, Аллоҳдан ишини ўнглашини сўраб, йўлга чиқибди.

Бир ҳамён олтинга турли моллар сотиб олган савдогар бир кемани киралаб саёҳатини бошлабди. Бутун йўл давомида у дўстига берган ваъданинг устидан чиқишида ёрдамчи бўлишини сўраб, Аллоҳга дуо қилибди.

Кема денгиз ва уммонлар узра сузиб, ҳеч қандай талофатсиз катта бир шаҳарнинг бандаргоҳига кириб келибди. Келтирган молларига талаб юқори бўлгани учун савдогарнинг бозори юришиб, кутганидан ҳам кўпроқ фойда кўрибди. Бундай даромад олдида савдогар ўзини йўқотиб қўймабди. Ишларининг бунчалик юришиб кетгани учун доимо Аллоҳга шукр қилибди.

Жуда кўп мол-дунёга эга бўлган савдогар савдо-сотик ишларини тугатиб, орқага қайтмоқчи бўлибди. Чунки дўсти билан ваъдалашган муҳлатнинг тугашига оз қолган экан. Лекин, бундан қарангки, савдогарнинг юртига кетадиган бирорта ҳам кема топилмабди.

Савдогар ҳар куни эрта тонгдан бандаргоҳга келар, янги кема кўринишига умид қилиб кутар экан. Кунлар кетидан кунлар ўтаверибди, бироқ кутилаётган кемадан дарак бўлмабди. Дўсти билан учрашадиган кун тобора яқинлашаверибди. Ўтаётган ҳар бир кун савдогарнинг ташвишини янада ошираркан. Чунки у дўстига сўз берган ва бу сўзнинг устидан чиқиши шарт эди. Лекин қандай қилиб бу муаммони ҳал этади? Нима қилса, пул кечикмай эгасига етиб боради? Савдогар бу саволларга жавоб тополмай, қийналибди. Шунда у бир чора қўллабди. Бир қоғозга кечикиш сабаби ва узрини битиб дўстига хат ёзибди. Бир гўланинг ичини ўйиб, мактуб билан бир ҳамён олтинни жойлабди. Сўнг бу ёғоч бўлагини денгизга таш-

лабди. Мавжланаётган тўлқинлар гўё омонатни эгасига етказишга шошгандай, гўлани оқизиб кетибди. Савдогар кўздан узоқлашиб бораётган гўлага қараб, мижжаларида ёш билан Аллоҳга ёлворибди: «Ё Қодир Эгам! Шу кунгача менга ёрдамчи бўлдинг. Ҳозир ҳам берган ваъданинг устидан чиқишимда мададкор бўл!»

Айтилган муҳлат келгач, қарз берган киши бандаргоҳга келиб, у ердаги кемалардан дўстини излабди. Лекин уни тополмай қайтаётганида тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлаган бир гўлага кўзи тушибди. Бирор коримга ярар, деган ниятда уйига олиб кетибди. Уйига келиб ёриб қараса, гўла ичида бир мактуб ва бир ҳамён олтин бор экан. Шошганча мактубни очиб, ўқибди. Хатда ёзилишича, бу олтинлар савдогарнинг қарзи, ўзига тегишли эди. Савдогарнинг дўсти Аллоҳга беҳисоб шукрлар қилибди.

Денгизнинг у томонида эса савдогар ҳануз кема келишини кутади. Ниҳоят, бандаргоҳга яна бир кема келиб тўхтади. Савдогар бу кема ватанига боришини билгач, бутун нарсаларини йиғиштириб, йўл ҳозирлигини кўради. Қуёш ҳали уфқдан кўринмасиданоқ, майин эсаётган шамол елканларни ишга тушириб, кема манзил томон қуш мисоли учибди. Лекин савдогарнинг кўнгли таскин топмас, дўстига берган ваъданинг устидан чиқолмагани уни ҳалигача қийнар эди. Кема соҳилга келганида биринчи бўлиб у тушибди. Уйига ҳам қирмай, қарз берган дўстини топиш учун бозорга йўл олибди. Дўстини топгач, кечикиш сабабларини тушунтириб, узр сўрабди. Сўнг бир ҳамён олтинни унга узатиб, шундай дебди:

«Қадрдон биродарим, мана бу менинг қарзим. Сенинг олдингда бир умр қарздорман, бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман. Аллоҳ сени сабабчи қилиб, йўқотган мол-давлатимни қайтадан топдим. Кеч қолганим ва сендан олган қарзни вақтида олиб келолмаганим учун мени афв этишингни сўрайман.

Дўсти савдогарнинг бу самимий сўзларини эшитгач, табасум билан:

«Эй азиз дўстим, бу тиллар ўзингники! Аллоҳ иккимиз ўртамиздаги ҳисоб-китобни кутилмаган бир шаклда тўғрилаб қўйд», дебди ва савдогар юборган мактуб билан ҳамёнидаги олтин қўлига қандай тушиб қолганини гапириб берибди.

«Эсингдами, мендан қарз сўраб келганинда сендан бир гувоҳ тайинлашингни сўраган эдим. Шунда сен ҳеч иккиланмасдан “Аллоҳ ўртамиздаги келишувга гувоҳдир. Гувоҳликка Аллоҳнинг ўзи етар!” дея қатъий ишонч билан Аллоҳ талога таваккал қилиб, ишнинг охирини Аллоҳга қолдирган эдинг. Аллоҳ Ўзига бунчалик холис боғланган бандаларининг ишини ўнглайди», дебди.

Сўнг икки дўст бир-бирларини бағрига босиб, бундан кейин ҳар қандай қийин вазиятда ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлашга аҳдлашибди.

Ҳикояни жон қулоғи билан эшитаётган синглим Зайнаб ҳайратини яширолмай:

— Бу воқеа жуда ҳам қизиқарли экан, — деди.

— Ҳа! Мана кўрдиларингми, болаларим, ҳалол мол эгасини ҳеч қачон уялтириб қўймайди. Денгиз ёғоч бўлагини ютмади, уни елкасига юкланган бир омонатдек соҳибига етказди, — дедилар онам.

Отам ҳам онамни қувватладилар:

— Ўша номусли савдогар дўстидан қарз олаётганида берган ваъдасининг устидан чиқишига, айрилган куни келиб, қарзни узишга умид қилаётган эди. Аллоҳ ҳам унинг бу самимияти ва жиддиятини муносиб тақдирлаб, ҳамма нарсани унга ёрдамчи қилди. Ҳеч қачон бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаган бу савдогар меҳнат ва пешона тери билан топган нарсалар ҳалол эди. Шу боис Аллоҳ унинг ишига баракот берди.

Маҳмуд МАЪМУРЖОН

таржимаси

БИР САВАТ МЕВА

Бу воқеа ўттизинчи йилларда рўй берган. Қорақалпоғистондаги Шаббоз (ҳозирги Беруний) туманининг Бийбозор овулида ҳам колхоз тузилиб, деҳқонлар ерларидан ажралдилар.

Ғани отанинг катта боғи колхоз ҳисобига ўтди. Боғни кўриқлаш, парвариш қилиш Собиржонхўжа исмли кишига топширилди. Асли Хоразмининг Боғолон қишлоғидан бўлган бу зоти бобаракот Қуръонни тўла хатм қилган, хушовоз қироати билан танилган қори эди. Зулм кучайган замонларда таъқибга учраб, дарёнинг бу бетига — Бийбозор овулига келиб қолган-ди. Уламо қадрини ўз ўрнига кўядиган бу эл одамлари Аллоҳ каломини ёд билган қорини очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Чиройли хулқи, беназир ҳилми ва ҳаёси билан кўпчиликка ибрat азиз инсонни эшон бува дея барча эъзозлашарди.



“Косиб — Аллоҳнинг дўсти” деган ҳикматга амал қилиб, эшон бува кўп касбларни эгаллаган эди. Керак вақтида сувоқчи, дурадгор, деҳқончиликни, боғбонликни қойиллатар, асаларичиликнинг билимдони, табобат илмидан ҳам хабардор эди.

Хуллас, шу эшон бува катта боғнинг хизматини елкасига олди. Тинимсиз, ҳиммат билан тўкилган терлар, меҳр билан қилинган парвариш ўз натижасини берди, баракали ҳосил етишди. Эшон бува боғнинг илк пишган меваларидан саралаб териб, саватга солар экан, унга кўмаклашаётган шогирд йигит сўради:

— Раисгами? Аввал ўзингиз есангиз яхши бўларди. Келинг, шу саватни уйингизга элтай?

— Йўқ, бу мевалар раисга эмас. Ўзим олишга ҳам ҳаққим

йўқ. Боғни бунёд қилган эгаси бор. Бетоб деб эшитдим. Саватни Ғани отанинг уйига элтиб, менинг саломимни етказгин.

Бироздан сўнг йигит қайтиб келди. Эшон бува унинг авзоийни кўриб:

— Тинчликми? Ота тузукмикан? — деб сўради.

— Ҳа, анча тетиклашиб қолибди, соғлиги дуруст. Лекин раҳмат дейишга ҳам тили бормади.

— Ҳа, айтавер, нима деди?

— Саватни олиб бориб, саломингизни етказдим. бир саватга, бир менга қараб: “Алҳамдулиллаҳ, ҳали қиёматга бор экан”, деди ва юзини тескари ўгириб олди, бошқа бир сўз ҳам демади.

Эшон бува жилмайди, унинг кўзлари тўла ёш эди. Балки юзини ўгириб олганида Ғани отанинг ҳам соқолларини шундай кўзёши ювгандир.

Адолат кўтарилган, зулм кенг ёйилган замонда қиёмат қойим бўлишини кутиб ётган мазлум чол бир яхши аломат кўриб, дунёда ҳали яхшилик тугамаганига амин бўлди, Аллоҳга ҳамдлар айтди.

Фозил ЗОҲИД

Ахлоқ

Ухлаш одоби

Уйқу нафс ва ҳиссий қувватларнинг ҳаракатдан тўхтаб, ором олишига омил бўлади. Ухлашнинг суннатга мувофиқ тартибларига риоя қилиш кўп фойдалидир.

Кўп ухлаш жуда ёмон иллат. У танани ланж қилади, дангасаликни кучайтиради, рангни сарғайтиради, турли касалликларга мубтало қилади. Айниқса, тонгда, куёш чиққунча ухлаш жуда зарарли — у ризқни камайтиради, соғлиққа офат келтиради. Шом олдидан, шом ва хуфтон орасида ҳам ухланмайди.

Таҳорат билан, тишларни чўтка ёки мисвок билан тозалаб, уйқуга ётилади. Қўлда ва юзда ёғ қолдиқлари билан асло ухламаслик лозим.

Ўнг томонга ёнбошлаб, ўнг қўл кафтини юз остига қўйиб, ухлаш суннатдандир.

Бир уйда ёлғиз ухланмайди. Қиблага ёки китоблар турган томонга оёқ узатиб ётилмайди.

Юзтубан ёки чалқанча ётиш одобсизликка киради, бу ҳам кишини сакта, фалаж, босинқираш касалига мубтало қилиши мумкин.

Қорин ҳаддан ташқари очлигида ёки жуда тўқлигида ухлаш ҳам фойда бермайди.

Ётиш олдидан кўрпани қўл билан бир тозалаб, силкиб Оятул Курсий ва икки “Қул

аъзу”ни ўқиб, ўзига дам солиб, ётилади.

Ухлаш олдидан дарвоза беркитилиб, чироқлар ўчирилади, сув идишлари ва озиқ-овқатларнинг усти ёпилади. Ёниб турган олов қаровсиз қолдирилмайди.

Тушдан аввал ёки кейин бир-икки соат ухлаб олинса, одам кун бўйи тетик юради, бу уйқу “қайқула” деб аталиб, жуда фойдалидир.

Очиқ жойда, далада ухланса, ўзини ҳар хил зарарли ҳашаротлар ва ҳайвонлардан муҳофаза чораларини кўриш зарур.

Инобат АБДУЛМЎМИН қизи
тайёрлади